

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

М. З. ЗИЁДУЛЛАЕВ

АҲОЛИ ТУРАР ЖОЙЛАРИДА ЖАМОАТ
ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ТИЗИМЛАРИ:
ТАРИХИ, БУГУНИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент 2015

*Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг
Таҳририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган*

Т а қ р и з ч и л а р:

Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг ўринбосари в.б.

подполковник Ў. Ў. Рахматов;

юридик фанлар номзоди Ж. С. Мухторов

Зиёдуллаев М. З.

3 –59 Аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш тизимлари: тарихи, бугуни ва хориж тажрибаси: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2015. – 64 б.

Ушбу қўлланмада Ўзбекистон ҳудудидаги аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш тизимларининг тарихи, бугунги кунда аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш тизимининг марказий субъекти бўлган милиция таянч пунктларининг ҳуқуқий ҳолати, маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича хориж тажрибаси масалалари ёритилган.

Юридик олий ўқув юртларининг тингловчи ва талабалари, катта илмий ходим-изланувчилар, ички ишлар органлари амалиёт ходимлари ҳамда ҳозирги замон ҳуқуқшунослик фани билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

ББК 67.99(5У)8я73

© Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2015

К И Р И Ш

Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Истиқлол йилларида мамлакатимизда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш вазифасини самарали амалга оширишни ташкил этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ИИВда асосий вазифаси бевосита жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашдан иборат бўлган Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси, Қўриқлаш бирлашмаси ҳамда унинг тизимига кирувчи қуйи таркибий тузилмалари шаклланди ҳамда уларнинг фаолияти такомиллаштириб борилди.

Шунингдек, ички ишлар органлари тизимидаги бир қатор соҳавий хизматларнинг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашдаги иштироки аниқ белгиланиб, уларнинг бу борадаги асосий вазифалари ва ўзаро ҳамкорлиги мустаҳкамланди.

Ушбу йўналишда амалга оширилган ислохотлар жараёнида бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, жамият ҳаётига татбиқ этилди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелда қабул қилган «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш Концепцияси тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2001 йил 27 март ҳамда «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2004 йил 19 июль фармонлари, уларнинг ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 майда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш фаолиятини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги, 2001 йил 18 майда қабул қилган «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чоралари тўғрисида»ги, 2001 йил 6 июнда қабул қилган «Жиноятчиликка қарши курашда Ички ишлар вазирлиги профилактика хизматининг ролини кучайтириш чоралари тўғрисида»ги, 2001 йил 25 июнда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2004 йил 23 сентябрда қабул қилган «Ўзбекистон Рес-

публикаси ИИВ Академиясида ички ишлар органлари мутахассисларини тайёрлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорлари бу борадаги ислохотларнинг устувор йўналишлари ва асосий вазифаларни белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги 2009 йил 30 сентябрь, «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги 2013 йил 10 апрель, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги 2013 йил 22 апрель, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги 2014 йил 5 май, «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги 2014 йил 25 сентябрь ва бошқа бир қатор қонунлари қабул қилиниб, жамият ҳаётига татбиқ этилиши жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини қонун даражасида тартибга солишга хизмат қилди.

Мазкур қонунлар ижросини таъминлаш, шунингдек жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни самарали тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 июндаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг масъулияти ва фаолият самарадорлигини ошириш чоралари тўғрисида»ги, 2013 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижтимоий-сиёсий ва оммавий-маданий тадбирлар ўтказилиши даврида хавфсизликни таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги «Фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2014 йил 29 июлдаги «Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳам муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Республикаimiz аҳоли турар жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган комплекс тадбирларни узлуксиз амалга ошириш имкониятига эга бўлган, халқимизнинг ҳаёт тарзи, маънавияти, қадриятлари ва менталитетига тўлиқ мос келадиган бутунлай янги тизим – милиция таянч пунктларига асос солиниши бу борадаги ислохотларнинг асосий натижаларидан бири бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, вужудга келган янги тизим ўтган асрлар давомида мамлакатимиз ҳудудида аҳоли турар жойлари-

да жамоат тартибини сақлаш билан шуғулланган ва фаолияти синовдан ўтган тизимларнинг энг илғор тажрибаларини ўзида умумлаштирган, қолаверса, милиция таянч пунктларининг фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил этиш учун маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича илғор хориж тажрибаси ҳам инобатга олинган.

Бироқ, бутун дунёда глобаллашув ва жадал ривожланиш жараёни кечаётган мураккаб бир даврда мамлакатимизда аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини самарали таъминлаш милиция таянч пунктлари субъектлари зиммасига катта масъулият юклайди. Бу эса милиция таянч пунктлари фаолиятини замон билан ҳамнафас равишда такомиллаштириб боришни, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ишларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштиришни тақозо этади.

Шундай экан, ушбу соҳада нафақат комплекс амалий чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, қолаверса, бу борада чуқур илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, мавжуд муаммоларни ўрганиш ҳамда уларни бартараф қилишга доир илмий асосланган хулосалар, таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ўзбекистон ҳудудидаги аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш тизимларининг тарихи, бугунги кунда аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш тизимининг марказий субъекти бўлган милиция таянч пунктларининг ҳуқуқий ҳолати, маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича хориж тажрибаси ёритилган ушбу ўқув қўлланма ҳам ушбу соҳада олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида яратилди.

1-§. Ўзбекистонда аҳоли турар жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимларининг тарихи

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш инсоният тараққиётининг барча даврларида долзарб масала ҳисобланган. Ушбу вазифани бажариш турли даврларда турлича ном, тизим ва тузилишга эга бўлган тузилмалар ва мансабдор шахслар зиммасига юклатилган.

Ўзбекистонда аҳоли турар жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимлари тарихини шартли равишда учга – 1) чор Россияси истилосигача бўлган давр; 2) чор Россияси ва Совет Иттифоқи ҳукмронлиги даври; 3) мустақиллик даврига – бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Чор Россияси истилосигача бўлган улкан давр ичида аҳоли турар жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашни кўплаб хизматлар амалга ошириб, улар турлича номланган. Жумладан, араблар истилосидан сўнг Ўрта Осиё тарихида янги давр – сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча жабҳалари ҳамда давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимида исломий дунёқараш ҳукмрон бўлган давр бошланиб¹, бу даврда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш вазифасини «шўрта» деб аталувчи махсус бўлинмалар амалга оширган. Ушбу идораларнинг халифа ва ҳокимлар томонидан тайинланган бошлиқлари «Соҳибул шўрта» деб номланиб, улар аҳоли ҳаёти, соғлиғи ва мулкининг хавфсизлиги учун жавобгар бўлганлар².

Ижроия ҳокимият таркибига кирган шўрта кенг ваколатларга эга бўлиб, давлат раҳбарининг қўлидаги мустаҳкам қурол саналган. Кечиктириб бўлмас кичик масалаларни ҳал қилишда шўртага судларнинг айрим вазифаларини бажаришига ҳам рухсат берилган. Араб олими Ибн Холдун ўз асарларида инсонлар хавфсизлиги билан боғлиқ масалаларни шўрта қозиларнинг аралашувисиз бевосита ўзи ҳал қилганини қайд этган³.

Давлатни бошқаришда тинчлик ва осойишталикни, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ҳақидаги фикр ва ғояларни маълум бир тизимга мужассамлаштириш Турон заминида Темурийлар даврига тўғри келганини кўришимиз мумкин. «Амир Темур тузукларини ўқиган

¹ Қаранг: Давлат қурилиши ва бошқаруви / Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. – Т., 2007. – Б. 61.

² Қаранг: *Садагдар М. И.* Основы мусульманского права. – М., 1968. – С. 38.

³ Қаранг: Ўша манба. – Б. 135–136.

киши худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига жавоб топгандек бўлади»¹. Амир Темур ўз тузукларида давлатни бошқаришда ҳуқуқнинг тутган ўрни, унда ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, ҳуқуқбузарлик, адолатсизлик ва ахлоқсизликнинг олдини олишнинг аҳамияти ҳақида жуда бой ва ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган фикр ва ғояларни билдирган ҳамда салтанатни бошқаришга бевосита татбиқ этган².

Амир Темир даврида³ салтанатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш билан давлат хизматчилари шуғулланганлар. Шундай лавозимлардан бири «арзбеги» деб номланиб, ушбу лавозимда ишлаган шахс даргоҳга арз-дод, шикоят билан келганлар ва мамлакатда содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабатини билдирувчиларни қабул қилиб, тушган арз, шикоят ва таклифларни олий ҳукмдорга етказиб туришга масъул бўлган. Бундан ташқари, даргоҳдаги адолат амири турли ўлка ва шаҳарларда сипоҳ ва раият орасида урф-одатларга оид жанжалли ишлардан бохабар бўлиб, олий ҳукмдорга ҳисобот ва маълумот бериб турган. Мана шу икки мансабдор шахс томонидан жойларда рўй бераётган адолатсизлик, тартибсизлик, давлат ва жамият манфаатига зид ишлар ҳақида рўй-рост маълумот олингач, сўнгра махсус вакил – аминлар жойларда воқеани ўрганиб, тегишли чоралар кўришган⁴.

Шунингдек, амири харос – подшоҳ саройидаги ишончли мансабдор, сарой кўриқчиларининг бошлиғи ҳам асосий вазифаси – жиноятчиларни жазолаш устидан назоратни олиб бориш билан бирга, муҳтасиб мусулмонлар томонидан шариат қонун-қоидаларининг бажарилишини⁵, бозор-учарда тош-тарози ва нарх-навони назорат қилиб турган⁶.

Салтанатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиб, суд-ҳуқуқ тизими мунтазам ривожланиб борган, ҳаттоки карвон йўлларида жиноятлар содир этилиши сезилар-

¹ Қаранг: *Каримов И. А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т., 1996. – Б. 198.

² Қаранг: *Зарипов З.С., Исмоилов И.* Криминология. – Т. 1996., – Б. 159–160.

³ Қаранг: *Азамат Зиё.* Ўзбек давлатчилиги тарихи: (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). – Т., 2000. – Б. 171.

⁴ Ўша асар, – Б. 177–178.

⁵ Қаранг: *Ахмедов Б.* Амир Темур. – Т., 1995. – Б. 596, 613.

⁶ Қаранг: Давлат қурилиши ва бошқаруви / Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. – Т., 2007. – Б. 78.

ли даражада камайган¹. Буни Соҳибқироннинг «...салтанатимнинг у четидан бу четига бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим»², деган сўзларидан ҳам англаш мумкин.

Марказий Осиёда хонликлар даврида ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тарихини маъмурий лавозим эгаси ҳисобланган миршаблар фаолияти билан боғлаш мумкин³. Аҳоли турар жойларида миршаблар жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, шариат қоидалари бузилишининг олдини олиш, зиндонда ҳукм қилинганларни сақлаш ва кўриқлаш ишлари билан шуғулланганлар. Баъзи манбаларда миршаблар юзбоши ва ясовулбошига бўйсунушгани⁴, айрим адабиётларда эса мингбоши ва катта оқсоқоллар ихтиёрида хизмат қилганликлари қайд этилади⁵.

Одатда миршаблар кечки пайт, яъни бозорлар, дўконлар, устахоналар ва шаҳар дарвозалари ёпилиши, иш вақти тугаши билан оқ ўз вазифасини бажаришга киришганлар. Шу боис ҳам улар «тунги ҳукмдорлар» (араб. *мир* – ҳукмдор, *шаб* – тун) деб аталган. Шунингдек, ўзга мамлакатлар элчиларининг хавфсизлигини таъминлаш ҳам улар зиммасида бўлиб, элчилар уларнинг кузатуви остида юришган. Миршабларга қози терговидан олдин миршабхонада суриштирув ишлари олиб бориш, гумон қилинувчи ва айбланувчиларни ушлаб туриш ваколати берилган⁶.

Кўпгина ҳолатларда миршаблик хизматига жамоат тартибини сақлаш жараёнида ёрдамчи куч сифатида навкар (аскар)лар жалб этилган.

Чор истилосидан кейин Ўзбекистон ҳудудида миршаблар тунги навбатчилик, тартиб-интизомни таъминлаш билан бирга, полиция вазифасини ҳам бажаришган. Ушбу даврда миршабхоналар бошлиғи «кўрбоши» деб аталган⁷.

¹ Қаранг: Туляганов А.А. Амир Темур ва Темурийлар салтанатида давлат бошқаруви ҳамда дипломатик муносабатларнинг ривожланиши. – Т., 2006. – Б. 89, 96.

² Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т., 1997. – Б. 187.

³ Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.5. – Т., 2003. – Б. 658.

⁴ Муҳаммад Ризо Огаҳий. Асарлар. 6-жилдлик. Ж.5. Тарихий асарлардан парчалар. – Т., 1978. – Б. 192–193.

⁵ Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд. – Т., 2003. – Б. 10.

⁶ Ўзбекистон ССР тарихи. 4 томлик. – Т. 1. Қадимий даврлардан XIX асрнинг биринчи ярмигача. – Т., 1970. – Б. 653–654.

⁷ Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд. – Т., 2003. – Б. 10.

Хуллас, Чор Россияси истилосигача бўлган даврда жамиятда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминловчи кучлар фаолиятининг хусусияти бозор-ўчар ва бошқа жамоат жойларида, шариат қоидаларига асосланган ҳолда, тартиб-интизомни таъминлаш ҳамда аҳолини жойлардаги амалдорлар ва бадавлат шахсларнинг адолатсиз қарорлари ҳамда ноқонуний таъсиридан ҳимоя қилишда ўз аксини топган.

Чор Россияси ва Совет Иттифоқи ҳукмронлиги даври. Чор Россияси ҳукмронлиги ўрнатилиши билан дастлаб халқ судларининг фаолияти йўлга қўйилиб, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда уларга муайян ваколатлар берилган¹ бўлса, кейинчалик 1892 йилги «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида Низом»га мувофиқ, ушбу ваколат ҳарбий губернаторлар зиммасига юклатилган. Шунингдек, уезд бошлиғи ва унинг ёрдамчиси, ҳудуд пристави жамоат тартиби бузилганда маҳаллий ва маҳаллий бўлмаган аҳолига нисбатан маъмурий жазо чоралари, хусусан, қамок ёки муайян миқдордаги жарима белгилаш ваколатига эга бўлган².

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизими тарихи ички ишлар органларининг тарихи билан узвий боғлиқдир³. Ўзбекистон ҳудудида ички ишлар органлари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган дастлабки ислохотлар 1917 йилнинг охирларига тўғри келади. Мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминловчи махсус органга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида, шунингдек Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1917 йил 28 октябрда қабул қилган «Ишчи милицияси тўғрисида»ги қарорига асосан, ишчи-деҳқон милицияси тузилган.

Ўша даврда фуқароларнинг мулкани кўриқлаш ва жамоат тартибини таъминлашда деярли барча туманларда ташкил этилган фирқа дружиналари фаол иштирок этганлар. Улар омборлар, муассасаларни кўриқлаш, шаҳарларда жамоат тартибини сақлаш, асосий кўчалар ва чорраҳаларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланганлар. Умуман олганда, фирқа дружиналари вазифаларининг кўлами айни кундаги кўриқлаш, патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда йўл-патруль хизматларининг вазифаларини ўз ичига қамраб олган. Бироқ, қарорда қишлоқларда

¹ Қаранг: Проект положения об управлении в Семиреченской и Сырдаринской областях. – Т., 1980.

² Қаранг: Положение об управлении Туркестанского края 1892 года // Свод законов Российской империи. В пяти книгах. Книга первая. Тома 1–3. Том 2. – СПб., 1912. – С. 427–446.

³ Халқ хизматида 75 йил. – Т., 1992. – Б. 21.

жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, милициянинг қишлоқлардаги ҳолати тўғрисида сўз юритилмаган¹.

Дастлабки даврларда туман милиция бўлинмаларининг асосий фаолияти жамоат тартибини сақлашга йўналтирилган бўлиб, милиция комиссари (бошлиғи, раҳбари), унинг ёрдамчиси, таржимон ва техник ходимдан ташкил топган эди. Катта ва кичик милиционерлар ушбу бўлинмаларнинг асосий кучлари ҳисобланган².

1918 йил 4 мартда «Туркистон ўлкаси милиция кадри» устави тасдиқланди. «Милиция кадри»га милицияга ёрдам керак бўлганда чақириладиган захира сифатида қаралиб, улардан фавқулодда ҳолатларда, яъни ёнғин, тошқин ва бошқа офатлар пайтида жамоат тартибини сақлашда фойдаланилган.

Чор Россияси, жумладан унинг таркибида бўлган Туркистонда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимининг шаклланиши ва ривожланиши юридик адабиётларда, хусусан, профессор Т.А. Жалиловнинг илмий ишларида атрофлича ёритиб берилган. Бу даврда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш вазифаси шариат нормалари асосида иш олиб борувчи тузилмалардан аста-секин ҳуқуқ нормаларига асосланиб фаолият юритувчи идоралар зиммасига ўтганлигини кўрсатади³.

Милициянинг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жинойтларнинг олдини олиш фаолиятини ташкил қилиш масалаларига асосан урушдан кейинги йилларда эътибор берилди. Ушбу мақсадда шаҳар милиция бўлимининг худуди участкаларга бўлиниб, уларда хизмат қилиш участка инспекторларининг зиммасига юклатилди. Участка инспекторлари жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жинойтларнинг олдини олиш юзасидан мунтазам иш олиб бориб, бу борада жамоатчилик билан алоқа қила бошладилар. Шунингдек, улар зиммасига фуқароларни ва уларнинг аризаларини қабул қилиш, паспорт режимига риоя этилишини назорат қилиш, безорилик, бола-

¹ Қаранг: *Еропкин М. И.* Развитие органов милиции в советском государстве. – М. 1967. – С. 13.

² Қаранг: *Джалилов Т.* Верные отчизне. Из истории рабоче-крестьянской милиции в Туркестане. (1917 – 1924 г.г.). – Т., 1968. – С. 35.

³ Қаранг: *Джалилов Т.* Страницы истории милиции Хорезма и Бухары. – Т., 1970. – С. 10.; *Джалилов Т.* Верные отчизне. Из истории рабоче-крестьянской милиции в Туркестане (1917 – 1924 г.г.). – Т., 1968. – С. 35.; *Еропкин М. И.* Развитие органов милиции в советском государстве. – М., 1967. – С. 13.

лар қаровсизлиги ҳамда бошқа салбий ҳодисаларга йўл қўймаслик вазифалари юклатилди¹.

Аҳоли турар жойларида пост ва патруллик хизмати кучайтирилди².

Ўтган асрнинг 60 йилларига келиб, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасига эътибор кучайди, 1962 йилда Ўзбекистон ССР Жамоат тартибини сақлаш вазирлиги қайта ташкил этилди.

Бироқ, мамлакатда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш борасида юқори органларда ҳарчанд ислохотлар амалга оширилмасин, маъмурий ҳудудларда ушбу соҳадаги фаолиятни ташкил қилувчи алоҳида марказ йўқ эди. Аҳоли турар жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашнинг аҳволи талаб даражасида эмас эди. Шу сабабли, ушбу соҳадаги эҳтиёжни қондириш мақсадида, яшаш жойларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини таъминлашнинг нисбатан мақсадга йўналтирилган янги шакли – ҳуқуқ-тартиботни сақлаш таянч пунктлари фаолиятига асос солинди³. Ушбу пунктлар дастлаб 1973 йилда Ленинград шаҳрида уй-жойдан фойдаланиш маҳкамалари негизида ташкил этилди.

1973 йилнинг июль ойида собиқ Иттифоқ ИИБ Ҳайъати қарори билан Иттифоқ миқёсида ҳуқуқ-тартиботни сақлаш таянч пунктларининг фаолиятини йўлга қўйишга киришилди, 1977 йилга келиб уларнинг сони 18000 тага етди⁴.

Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш таянч пунктлари шаҳар жойларида – халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши ижроқўмларининг, қишлоқларда эса ширкат хўжаликлари ва давлат хўжаликлари марказий овуллари-нинг қарорига мувофиқ ташкил этилган. Ҳуқуқ-тартибот таянч пунктларининг ҳудудини белгилашда уларнинг чегараси шаҳарларда уй-жойдан фойдаланиш маҳкамаларининг чегарасига тенг қилиб олинган бўлса, қишлоқларда қишлоқ кенгаши, ширкат ва давлат хўжаликлари ҳудудига мутаносиб белгиланган. Бундан ташқари, шартли ҳукм қилиниб, мажбурий меҳнатга жалб қилинганлар ва жазони ўташдан

¹ Қаранг: Халқ хизматида 75 йил. – Т., 1992. – Б. 64–65.

² Қаранг: Жалилов Т., Ҳошимов Р. Совет Ўзбекистони милицияси. – Т., 1983. – Б. 27.

³ Қаранг: Взаимодействие органов внутренних дел и общественных организаций в профилактике правонарушений // Научные труды. – Омск, 1978. – С. 12–13.

⁴ Қаранг: Петров А. И., Полищук А. Д. Опорные пункты охраны правопорядка. – Киев. 1976. – С. 6.

муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, халқ хўжалиги қурилишларида меҳнатга йўлланганлар жойлаштирилган жойларда ҳам ҳуқуқ-тартибот таянч пунктлари ташкил этилган.

Таянч пунктлари ташкил топган дастлабки даврларда жойларда – «жамоатчилик ва милиция таянч пунктлари», «жамоат тартибини сақлаш таянч пунктлари», «милиция таянч пунктлари» номлари билан аталган. Ўзбекистонда ушбу тузилмалар «жамоатчилик ва милиция таянч пунктлари» деб юритилди¹. 1974 йилда рус олими Е.А. Смирнов уларни ягона номда – «Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш таянч пунктлари» деб номланиши улар фаолиятини тўлиқ қамрашини ва мос келишини асослаб берди². Натижада мамлакатда «ҳуқуқ-тартиботни сақлаш таянч пунктлари» атамасидан фойдалана бошланди.

Юридик адабиётларда ҳуқуқ-тартиботни сақлаш таянч пунктларини ички ишлар органлари вакилларининг бошқа субъектлар билан ҳамкорлик қилиши учун махсус жиҳозланган хоналар³, жамоатчилик ва милициянинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи марказлар⁴ деб таърифлашган. Уларнинг фаолиятини участка инспекторлари, кўнгилли халқ дружиначилари ва кенг жамоатчиликдан иборат кенгашлар бошқарган⁵. Мазкур кенгашлар эса партия органлари кўрсатмалари асосида иш юритганлар⁶.

Ушбу пунктлар фаолиятини ташкил этишда кўнгилли халқ дружиначиларига алоҳида эътибор берилган. Кўнгилли халқ дружиначилари – жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузар

1 Қаранг: Миренский Б. А. Совершенствование деятельности опорных пунктов охраны правопорядка // Взаимодействие органов внутренних дел и общественных организаций в профилактике правонарушений. – Омск, 1978. – С. 65.

2 Қаранг: Петров А. И., Полищук А. Д. Опорные пункты охраны правопорядка. – Киев, 1976. – С. 10.

3 Ўша жойда.

4 Қаранг: Флягин А. П., Кичатов Д. Ф. Взаимодействие органов внутренних дел с общественностью в профилактике правонарушение. – Киев, 1977. – С. 65.

5 Қаранг: Катрюгин С. И. Некоторые вопросы правового положения опорных пунктов охраны правопорядка // Взаимодействие органов внутренних дел и общественных организаций в профилактике правонарушений. 1978. – С. 35.; Веременко И. И., Воробьев В. Ф. В помощь добровольным народным дружинам: Сборник нормативных актов. – М., 1985. – С. 13.

6 Ракин Н. И. Опыт партийного руководства опорными пунктами охраны правопорядка, Мотченко А. М. Руководство головной партийной организации деятельностью опорного пункта // Взаимодействие органов внутренних дел и общественных организаций в профилактике правонарушений. 1978. – С. 18–22, 33–38.

ликларнинг олдини олиш учун тузилган махсус жамоат ташкилотлари бўлиб, корхона, муассаса ва ташкилотлар меҳнат жамоалари, шунингдек фуқароларнинг турар жойлари бўйича ташкил қилинган¹. Кўнгилли халқ дружиначилари илк бор 1958 йилда Ленинград (ҳозирги Санкт Петербург) шаҳрида Киров заводи хизматчилари ҳисобидан тузилди.

1958 йил 2 июлда «Мамлакатда жамоат тартибини сақлашда хизматчиларнинг иштироки тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши билан кўнгилли халқ дружиначилари фаолияти бутун мамлакат ҳудудида йўлга қўйилди². Уларнинг фаолиятига оператив раҳбарликни кўнгилли халқ дружиначилари штаби амалга оширар эди³. Ўзбекистонда ҳам кўнгилли халқ дружиначилари, ўртоқлик судлари ва бошқа жамоатчилик тузилмалари фаолият олиб борган⁴.

1985 йилда қайта қуриш натижасида ишлаб чиқариш ва тақсимот соҳасида бошланган таназзул оқибатида жиноятчилик кўринишларида салбий ўзгаришлар тус олиб, уларда тажовузкорлик ва шафқатсизлик, ҳуқуқ-тартибот кучларига қаршилик кўрсатиш ҳолатлари кучайди. Мазкур ҳолат токи 1990 йилга қадар давом этди. Республикада жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилишни таъминлашнинг янги шакл ва усуллари ишлаб чиқиш мақсадида амалга оширилган кўплаб чора-тадбирлар натижасида ички ишлар органларининг мақбул ички тузилишини яратишга ҳамда шу мақсадда, мамлакат ички ишлар органлари тизимида милиция участка инспекторлари, пост соқчилик хизмати, давлат автомобиль инспекциясининг фаолиятини кучайтиришга ҳаракат қилинди⁵.

Ушбу даврда асосий вазифаси ҳуқуққа хилоф кўринишларнинг олдини олиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликка мойил фактларни аниқлаб, уларни ҳисобга олиш, уларга нисбатан профилактик таъсир ўтказишдан иборат ички ишлар органлари бўлинмалари ташкилий жиҳатдан профилактика хизматига бирлаштирилди. Бунда участка инспекторлари, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини

¹ Қаранг: *Верееменко И. И., Воробьев В. Ф.* В помощь добровольным народным дружинам / Сборник нормативных актов. – М., 1985. – С. 13.

² Қаранг: *Организация охраны общественного порядка* / Под. ред. Л. Л. Попова. – М., 1984. – С. 67.

³ Қаранг: *Соколов И. В., Стрельников С. С.* Добровольные народные дружины по охране общественного порядка. – М., 1976. – С. 23.

⁴ Қаранг: *Убайдуллаев Г.* Организация и деятельность добровольных народных дружин в Узбекистане. – Т., 1966.

⁵ Қаранг: *Халқ хизматида 75 йил.* – Т., 1992. – Б. 204.

олиш инспекциялари, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ижросини таъминлаш бўлинмалари ва муқаддам судланиб, ахлоқ тузатиш меҳнат муассасаларидан бўшатирилганларнинг ижтимоий мослашишини таъминлаш бўлинмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириб, такомиллаштириб бориш кўзда тутилди¹.

Ушбу даврда аҳоли турар жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминловчи ихтисослашган тузилмалар шаклланиб, улар фаолиятида жамиятда безорилик, ичкиликбозлик, захарвандлик, текин-хўрлик каби иллатларнинг олдини олишга ҳаракат қилинган бўлса-да, мамлакатда жиноятчиликнинг ўсганлиги кузатилган.

Мустақиллик даврида аҳоли турар жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш масаласига катта эътибор қаратилди. Маъмурий буйруқбозликка асосланган тузумдан қолган тартиб ва усуллар асосида фаолият юритаётган ички ишлар органлари ўзининг асосий вазифаларини самарали бажара олмай қолди. 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари буни тўлиқ тасдиқлади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини участка пунктлари бажариши белгиланган бўлса-да, аслида улар участка инспекторларининг хизмат хоналаридан иборат эди, холос.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида»ги 1999 йил 12 апрель қарорида ўша даврда амал қилган жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизими умуман талабга жавоб бермаслиги кўрсатилди. Бундай вазиятда республикада тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилишни тақозо этарди.

Ушбу қарор асосида ички ишлар органларининг асосий куч ва воситалари бевосита аҳоли яшайдиган турар жойларга йўналтирилди. 2001 йил Тошкент шаҳрида 444 та маҳалланинг барчасида милиция таянч пунктлари ташкил этилиб, уларда 1200 га яқин профилактика инспекторининг фаолияти йўлга қўйилди. Тез орада бу борада қилинган ишлар ўз самарасини бера бошлади. Бунинг натижасида маҳаллаларда тинчлик-осойишталик мустаҳкамланди, жиноятларни тезкорлик билан очиш кўрсаткичи яхшиланди. Хусусан, шаҳар бўйича 2001 йилнинг илк саккиз ойи мобайнида содир этилган жиноятлар 2000 йил-

¹Қаранг: Халқ хизматида 75 йил. – Т., 1992. – Б. 204.

нинг шу даврига нисбатан 3,7 фоизга камайган. Оғир ва ўта оғир жиноятлар, қасддан одам ўлдириш, талончилик, босқинчилик, товлачилик, ўғрилиқ ва вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятларнинг камайишига эришилган¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2001 йил 27 март фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июнда қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси ИИВда жиноятчиликка қарши кураш бўйича профилактика хизматининг ролини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ислохотларнинг бутун республика ички ишлар органлари тизимида ўтказилишини таъминлади². Натижада республикамизнинг энг чекка қишлоқ, овул ва маҳаллаларида милиция таянч пунктлари ташкил этилиб, уларда профилактика инспекторларининг фаолияти йўлга қўйилди. Бу эса ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноят содир этилишига олиб келадиган сабаб ва ҳолатларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш борасидаги ишларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва кучайтириш имконини берди, мамлакатимизда криминоген вазиятнинг сезиларли даражада соғломлашувини таъминлади³.

Милиция таянч пунктларининг жамият ҳаётидаги ролини ошириш, уларнинг фаолияти ва инфратузилмасини такомиллаштириш, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий ишлар самардорлигини ошириш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларда ижобий дунёқарашни шакллантириш, уларнинг ҳаётга мослашувини таъминлаш масалаларини тартибга солиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 16 майда «Милиция таянч пунктларининг инфратузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини қабул қилди. Мазкур қарор билан милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича Мувофиқлаштириш комиссияси тузилди, кейинчалик улар ўрнида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилиб, педагог-тарбиячилар фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, милиция таянч пунктлари атрофида

¹ Қаранг: *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т., 2000. – Б. 101–102.

² Қаранг: *Пулатов Ю.С.* С чего начинается реформирование органов внутренних дел? // *Ҳуқуқ–Право–Law*. – 2004. – № 4. – Б. 80–84.

³ Қаранг: *Каримов И.А.* Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларига байрам табриги // *Постда*. – 2007. – 25 окт.

спорт майдончалари, турли факультатив тўғараклар, кичик бизнес шохобчалари ташкил этилиши белгилаб берилди.

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда жамоатчилик иштирокини кенг йўлга қўйиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги «Жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича Қорақалпоқистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссиялар, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори¹ билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида «Яраштириш комиссияси», «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги фармони² билан диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, 2006 йил 10 октябрдаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»ги қарори билан ёшлар комиссияларининг фаолияти ташкил этилди ва милиция таянч пунктлари негизида уларнинг ички ишлар органлари билан ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Ўтган йиллар давомида республикамизда фаолият олиб бораётган милиция таянч пунктларининг жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш соҳасида юқори натижаларга эришиб, бошқаларга ўрнак бўлаётганларини аниқлаш ҳамда уларнинг субъектларини рағбатлантириб бориш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2002 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида «Намунали милиция таянч пунктлари» кўрик танловининг Низомини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи билан уч босқичли намунали милиция таянч пунктлари кўрик танлови ўтказилиши йўлга қўйилди.

Ислохотлар натижасида фаолияти йўлга қўйилган милиция таянч пунктлари ички ишлар органларининг энг қуйи бўғини сифатида қуйи-

¹ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами. 1999. – №4. – 20-м.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2004. – № 21. – 251-м.

даги афзалликлари билан илгари фаолият кўрсатган ҳуқуқ-тартиботни сақлаш таянч пунктлари, участка пунктларидан тубдан фарқ қилади:

– фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида кенг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликда кеча-ю кундуз узлуксиз фаолият кўрсатиши;

– битта ҳудудга хизмат кўрсатувчи ички ишлар органлари турли тармоқ хизматларининг бевосита хизмат ҳудудида ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориш учун шароит яратиши;

– фаолиятнинг асосий йўналишларидан бири аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, вояга етмаганлар ва ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этишга қаратилганлиги;

– юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай ғайриижтимоий хатти-ҳаракатни жамоатчилик кўмагида тезкорлик билан олдини олиш, шунингдек содир бўлган жиноятларнинг «иссиқ изи»дан очиш, тезкор-тергов ҳаракатларини ўз вақтида самарали олиб бориш учун барча имкониятга эгалиги ва бошқалар¹.

¹Зиёдуллаев М.З. Ўзбекистонда аҳоли турар жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимларининг шаклланиши ва ривожланиш тарихи // ТДЮИ ахборотномаси. – Т., 2009. – № 3. – Б. 114.

2-§. Милиция таянч пунктлари – Ўзбекистонда аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш тизимининг марказий субъекти

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ички ишлар органлари тизимида олиб борилаётган ислохотларда фуқаролар ва жамиятни террорчилик, қўпоровчилик хуружидан, барча шаклдаги экстремизм, уюшган жиноятчилик каби жиноят кўринишларидан ишончли ҳимоя қилишни таъминлайдиган тизимни шакллантириш, ички ишлар органларини шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини ҳимоя қилишнинг ишончли гаровига айлантириш асосий мақсад қилиб қуйилди¹.

Амалга оширилган ислохотлар натижасида аҳоли турар-жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган комплекс тадбирларни узлуксиз амалга ошириш имкониятига эга бўлган, халқимиз ҳаёт тарзи, маънавияти, қадриятлари ва менталитетига тўлиқ мос келадиган бутунлай янги тизимни шакллантиришга асос солинди. Бу янги тизим – ички ишлар органларининг энг қуйи бўғини бўлган милиция таянч пунктларидир².

Ҳозирги кунда республикаимизда жиноятчилик устидан ижтимоий-ҳуқуқий назорат шартли равишда уч йўналишга – 1) жиноятлар содир этилишининг олдини олишга; 2) содир этилган жиноятлар учун жазонинг муқаррарлигини таъминлашга; 3) суд томонидан белгиланган жазонинг ижросини таъминлашга қаратилган фаолиятларни амалга ошириш билан боғлиқ комплекс тадбирларга – ажратилади³. Милиция таянч пунктлари эса ушбу йўналишларнинг барчасини таъминлашда ўзига хос ўринга эга.

Милиция таянч пункти – шаҳар, туман ички ишлар бошқарма (бўлим)ларининг белгиланган маъмурий ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик-

¹ Қаранг: *Каримов И.А.* Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т., 1999. – Б.403–404.

² *Соатов М.З.* Милиция таянч пунктларининг моҳияти ва улар фаолиятини такомиллаштириш // Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг назарий-амалий муаммолари: Илмий мақолалар тўплами. – Т., 2006. – Б. 163.

³ Қаранг: *Исмаилов И.* Уюшган жиноий тузилмалар фаолиятининг олдини олишни назарий ва ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш: Юрид. фан. д-ри. ... дис. – Т., 2006. – Б. 198.

ларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида ички ишлар органлари тармоқ хизматларининг ҳамда улар билан давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган, узлуксиз фаолият кўрсатувчи асосий қуйи бўғини.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, милиция таянч пунктлари:

биринчидан, шаҳар ва қишлоқ жойларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат тартибini сақлашни таъминловчи асосий қуйи бўғин экани;

иккинчидан, уларнинг ишига шаҳарда – профилактика хизмати, қишлоқ жойларида профилактика катта инспекторлари раҳбарлик қилиши;

учинчидан, профилактика инспекторлари ўз ишини милиция таянч пунктларида вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати, жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш хизмати, тергов хизмати, патруль-пост хизмати, йўл-патруль хизмати, ёнғин хавфсизлиги хизмати ва ички ишлар органларининг бошқа хизматлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоатчилик тузилмалари, ташкилот, муассаса ва корхоналар билан узвий ҳамкорликда ташкил этиши;

тўртинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириши, шунингдек ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий-спорт тадбирларини ўтказган ҳолда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни таъминлашга хизмат қилиши билан ажралиб туради¹.

Милиция таянч пунктларининг кеча-ю кундуз хизмат кўрсатиши фуқароларнинг уларга сутканинг исталган вақтида ўз дарди, ташвиши билан мурожаат қилишларига имкон беради.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда милиция таянч пунктларига жамоат тартибini сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш, аҳолига ҳуқуқий масалаларда ёрдам кўрсатиш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш ва спорт-соғломлаштириш ишларини ташкиллаштириш вазифалари юклатилган.

Милиция таянч пунктлари зиммасидаги вазифалар унинг субъектлари фаолияти орқали таъминланади. Милиция таянч пунктлари зиммасига юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажариш профилактика инспекторларининг ички ишлар органларининг патруль-пост,

¹ Қаранг: *Мухторов Ж. С.* Милиция таянч пункти: янги тизимнинг шаклланиши ва унинг муаммолари // *Ҳуқуқ–Право–Law.* – 2005. – № 2. – Б. 2–4.

йўл ҳаракати хавфсизлиги, хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш, ёнғин хавфсизлиги, кўриқлаш, тергов, жинойт қидирув ва терроризмга қарши кураш хизматлари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоатчилик тузилмалари, корхона, ташкилот ва муассасалар билан узвий ҳамкорлиги асосида таъминланади.

Милиция таянч пункти мазкур маҳалла ҳудудида хизмат қилаётган ички ишлар органлари ходимлари ҳамда маҳалла фаоллари, жамоатчилик тузилмалари вакиллари, маҳалла посбонлари, маҳалладаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, яраштириш комиссиялари ва бошқа комиссиялар учун асосий таянч пункт ҳисобланади.

Тадқиқотларда милиция таянч пунктларининг фаолият йўналишларини, унинг бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган вазифаларидан келиб чиқиб, шартли равишда тўққизта йўналишга ажратилади¹.

Бизнингча, милиция таянч пунктлари ва субъектлари зиммасидаги вазифалар кўламини таҳлил қилган ҳолда, унинг фаолиятини қуйидаги йўналишларига ажратиш мақсадга мувофиқдир:

1. Одатий ва алоҳида шароитларда фуқароларнинг шахсий ва мулкӣ хавфсизлиги, жамият ва давлат манфаатларини турли тажовузлардан ҳимоя қилишни таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат *жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти*.

2. Хизмат ҳудудида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар, жумладан жинойтларни тўхтатиш, уларнинг олдини олиш, сабаб ва шароитларини бартараф этиш, жинойт содир этишга, шунингдек жабрланишга мойил бўлган шахслар билан умумий ва яқка тартибдаги профилактикани амалга ошириш каби чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат *ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти*.

3. Маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, қайд этиш ва улар бўйича тегишли ҳужжатлар тўплаш; ваколатлари доирасидаги маъмурий ишлар юзасидан юрисдикциявий қарор ишлаб чиқиш ва қабул қилиш; маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қарорларни ижро этиш билан боғлиқ ўзаро ажралмас процессуал ҳаракатлардан иборат *маъмурий-юрисдикциявий фаолият*.

¹ Батафсил маълумот учун қаранг: *Исмаилов И., Бухаров Д.* Уюшган жинойт тузилмалар шаклланиши ва фаолиятининг олдини олишда ҳамкорликни ташкил этиш (муаммо ва ечимлар). – Т., 2007. – Б. 36–37.

4. Жиноятларни аниқлаш ва очиш жараёнида, қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ, жиноят содир этишга мойил шахсларни аниқлаш, улар билан якка тартибдаги тарбиявий-профилактик ишларни амалга ошириш, оператив кузатув, оператив кўздан кечириш, шахсни айнанлаштириш, иншоот, бино, иморат, яшаш ҳудуди ва транспорт воситаларини текшириш; шахсий қидирув каби усуллардан бевосита фойдаланиш билан боғлиқ ҳаракатлардан иборат *тезкор-қидирув фаолияти*¹.

5. Жиноят-процессуал қонун нормаларига мувофиқ, ҳодиса содир бўлган жойда тезкор-тергов гуруҳи етиб келгунига қадар иш учун аҳамиятга эга бўлган жиноят ва бошқа ҳолатларнинг изларини аниқлаш, уларни кўриқлаб туриш, кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказишга кўмаклашиш ҳамда милиция таянч пунктлари негизида тергов хизматларининг ички ишлар органларининг бошқа хизматлари ва жамоатчилик билан ҳамкорлигини ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат *жиноят-процессуал фаолият*.

6. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, фуқароларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам бериш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга йўналтирилган учрашувларни ташкил этиш, фуқароларни иш билан таъминлаш, озодликдан маҳрум қилиш жойларидан бўшатирилган шахсларни ижтимоий ҳаётга қайта мослашишга кўмаклашиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат *аҳолига ижтимоий-ҳуқуқий хизмат кўрсатиш фаолияти*².

Бошқарув субъекти бажарадиган кўплаб вазифалар орасида унинг сифат даражасини белгиловчилари мавжуд бўлганидек, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш милиция таянч пунктларининг асосий фаолият йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўтказилган сўровларда иштирок этган мутахассисларининг 14,5 % милиция таянч пунктларининг асосий вазифаси жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, деб фикр билдиришган.

Милиция таянч пунктларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини батафсил ўрганиш, аввало, «жамоат тартиби» ва «жамоат хавфсизлиги» тушунчаларининг мазмунини ёритиб ўтишни талаб қилади.

¹ Қаранг: *Козаченко И. П.* Оперативно-розыскная работа участкового инспектора милиции. – Киев, 1990 – С. 7–8.

² Батафсил маълумот учун қаранг: *Соатов М. З.* Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда милиция таянч пунктларининг роли // *Ҳуқуқий онгдан – ҳуқуқий маданият сари.* – Т., 2006. – Б. 92–96.

Юридик адабиётларда ушбу тушунчаларга берилган таърифларнинг таҳлили натижасида қуйидаги хулосага келиш мумкин: *Жамоат тартиби* – фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги, жамоат хавфсизлиги, корхона, муассаса, ташкилотлар, жамоат ташкилотларининг нормал фаолият кўрсатиши, фуқароларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун тўлиқ шароит яратишга, уларнинг шаъни, қадр-қимматини ҳамда умуминсоний кадриятларни ҳурмат қилишга йўналтирилган ҳуқуқий ва ижтимоий меъёрлар асосида жамоат жойларида юзага келадиган ва ривожланадиган ижтимоий муносабатлар тизими.

Жамоат хавфсизлиги – шахс, жамият ва давлатнинг жиноятчилик, бошқа ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар, фавқулодда ҳолатлар оқибатлари, ижтимоий низолар, табиий офатлар, эпидемия, эпизоотия, йирик ҳалокатлар, авариялар ва ёнғинлардан ҳимояланганлиги ҳолати¹.

«Жамоат тартиби» ва «жамоат хавфсизлиги» тушунчаларининг ўзаро фарқи тўғрисида олим Ф.Е. Колонтоевский: «Улар мақсади, қўриқловчи объектлари, бартараф қилувчи тажовузлар манбаи, тартибга солувчи вазифалари, муносабатларининг таркиби ва таъминлаш усуллари билан ўзаро фарқланади»², дейди. Бизнингча, «жамоат тартиби» «жамоат хавфсизлиги»га қараганда кенгроқ тушунча бўлиб, ўз ичига фуқаролар шахсий хавфсизлиги ва айнан жамоат хавфсизлигини қамраб олади. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш жамоат тартибини самарали сақлашга хизмат қилади.

Шунингдек, «жамоат тартиби» ва «ҳуқуқ-тартибот» тушунчалари ҳам ўзаро боғлиқдир. Профессор О. Ҳусанов: «Жамоат тартиби – бу юридик ва бошқа ижтимоий қоидалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар бўлиб, ҳуқуқ-тартиботни ҳам қамраб олади. Ҳуқуқ-тартибот эса фақат амалдаги ҳуқуқий нормалар асосида ташкил топган ижтимоий муносабатлар тизимидир», дейди³.

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятлари ҳам узвий боғлиқ. Негаки, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олди олинса, жиноятларнинг олдини олиш, сабаб ва шароит-

¹ Зиёдуллаев М.З. Милиция таянч пунктларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2008. – Б. 11.

² Қаранг: Организация работы участковых инспекторов милиции / Под ред. Ф. Е. Колонтоевского. – М., 1992. – С. 5.

³ Ҳусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият: ҳуқуқий, ташкилий масалалар ва муаммолар. – Т., 1996. – Б. 82.

ларини бартараф қилиш орқали жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга эришилади.

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш орқали ички ишлар органлари давлат бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар билан ташкилий-ҳуқуқий муносабатларга киришади¹. Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш ички ишлар органлари тизимидаги бошқарувнинг таркибий қисми ҳисобланади².

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминловчи, ҳуқуқ-тартибот ва ягона давлат сиёсати асосида бу соҳадаги муносабатларни мувофиқлаштирувчи, жамият ва юридик нормаларни қўриқловчи давлат ҳокимияти органларининг мажмуи жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимини ташкил этади. Милиция таянч пунктларида фаолият кўрсатувчи профилактика инспекторлари институти, патруль-пост хизмати, йўл-патруль хизмати, жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш хизмати ва тергов хизматлари ушбу тизимга кирувчи ички ишлар органларининг таркибий тузилмалари ҳисобланади.

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда милиция таянч пунктлари субъектларининг ҳар бири ўзига хос ўринга эга. *Профилактика (катта) инспектори* ўз хизмат ҳудудида, кенг жамоатчиликнинг ёрдамига таянган ҳолда, ички ишлар органларининг бошқа хизматлари, давлат органлари билан ҳамкорликда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтириш борасидаги давлат талабларини бажариш учун масъул ходимдир. Профилактика инспекторлари ички ишлар органларининг энг кўп сонли ва аҳолига яқин турадиган қатлами ҳисобланади. Уларнинг фаолияти хизмат вазифаларининг мураккаблиги ва серқирра функционал табиатга эгаллиги билан ажралиб туради³.

Профилактика инспекторлари институти Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматлари таркибига киради.

Профилактика (катта) инспекторлари ва милиция таянч пунктлари фаолиятини ташкил этиш бўйича Йўриқномада белгиланганидек,

¹ Қаранг: Организация охраны общественного порядка / Под. ред. Л. Л. Попова. – М., 1984. – С. 9.

² Ўша манба. – Б. 21.

³ Қаранг: Управление деятельностью служб общественной безопасности: учебник для слушателей Академии управления МВД России. – М., 2000. – С. 91.

профилактика (катта) инспекторларининг маъмурий ҳудуддаги хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари шахс, жамият ва давлат манфаатларини ғайриҳуқуқий тажовузлардан ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишдан иборат.

Кўриниб турибдики, аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш ҳудуд профилактика инспектори фаолиятининг асосий йўналишларидан бири саналади.

Профилактика (катта) инспекторлари ва милиция таянч пунктлари фаолиятини ташкил этиш бўйича Йўриқномада профилактика инспекторига бир қатор вазифалар юклатилган бўлиб, уларнинг бир қисми бевосита жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бўлса, бир қисмининг амалга оширилиши маъмурий ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Мазкур вазифалар қуйидагилардан иборат:

– маъмурий ҳудудни профилактик кўздан кечириш ва криминоген вазиятни таҳлил қилиш;

– маъмурий ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш;

– маъмурий ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини ташкил этиш ва амалга ошириш;

– фуқароларни қабул қилиш, уларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш;

– маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва улар тўғрисидаги ишларни юритиш ҳамда ҳал қилиш;

– маъмурий ҳудудда паспорт-виза ва назорат-лицензиялаш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;

– фаолияти тақиқланган ташкилотлар, диний-экстремистик гуруҳлар ва шу каби фаолиятга алоқадор бўлган шахсларни аниқлаш;

– маъмурий ҳудудда содир этилган жиноятларни аниқлаш ва фош этиш чораларини кўриш;

– жиноят содир этиб суд ва тергов органларидан яшириниб юрган, бедарак йўқолган шахслар, ахлоқ тузатиш ишлари тариқасида жазодан бўйин товлаб юрган маҳкумларни қидириб топиш, шахси номаълум мурдаларнинг шахсини аниқлаш;

– озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга (муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган, шартли ва ахлоқ тузатиш ишлари-

га) ҳукм қилинган шахсларга нисбатан профилактик-назорат ишларини амалга ошириш;

– олиб қочилган, ўғирланган ва бошқа шу каби транспорт воситаларининг қидирувини ташкил этишда иштирок этиш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ички ишлар органлари соҳавий хизматлари, давлат органлари ва муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролар билан ҳамкорликни таъминлаш;

– ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатиш ишларида иштирок этиш;

– фавқулодда ҳодисалар оқибатларини бартараф этишда иштирок этиш;

– аҳоли билан ҳисобот учрашувларини ташкил этиш, ўтказиш ва бошқалар.

Худудий профилактика инспектори норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган юқоридаги вазифаларни ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари, давлат ва жамоатчилик ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

Хусусан, профилактика (катта) инспектори маъмурий ҳудудда хизматга жалб этилган соҳавий хизмат ходимлари билан йўриқнома ўтказишда ҳудуддаги ўта муҳим ва тоифаланган объектлар, аҳоли кўп тўпланадиган, ёшларнинг маданий ҳордиқ чиқариш жойлари, маъмурий назорат остида ва профилактик ҳисобда турган, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар истиқомат қиладиган хонадонлар тўғрисида маълумот беради ва уларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини тушунтиради.

Профилактика (катта) инспектори маъмурий ҳудудда жамоат тартибини сақлаш мақсадида маъмурий ҳудуддаги тезкор-криминоген вазиятни таҳлил қилган ҳолда ҳар куни милиция таянч пунктига хизматга жалб этилган патруль-пост хизмати ходимларининг йўналишини белгилайди. Ушбу йўналишларга маҳалла посбони жамоатчилик тузилмаси аъзоларини жалб этади.

Профилактика (катта) инспектори патруль-пост хизмати нарядларига уларнинг патруллик йўналишидаги хонадонларда яшовчи маъмурий назоратда турган, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларнинг манзилени (расми билан), уларга нисбатан белгиланган чеклашлар, қидирувдаги шахслар, ижтимоий хавфли руҳий касаллар ҳақида маълумотлар беради, шунингдек ички ишлар органларини қизиқтирувчи маълумотларни олиш ҳақида тушунтиради.

Маъмурий ҳудудга хизматга жалб этилган соҳавий хизмат ходимлари, уларга фойдаланиш учун берилган ҳужжат, маълумот ва фотосуратларни хизмат якунида милиция таянч пункти профилактика (катта) инспекторига қайтариб топширадилар.

Хизмат ҳудудида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида, профилактика (катта) инспектори ўзига бириктирилган хизмат ҳудудида мансабдор шахслар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасида паспорт-виза тизими қоидаларини тарғиб қилади, унга риоя этилишини текширади ҳамда ушбу йўналишда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлайди.

Профилактика (катта) инспектори бу борада ички ишлар органларининг хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб боради. Жумладан, профилактика инспектори хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати ходимига ҳудуддаги меҳмонхона, ётоқхона, қариялар ва ногиронлар уйлари, санатория ва бошқа дам олиш масканларида паспорт-виза қоидаларига риоя этилишини текшириш жараёнида аниқланган ички ишлар органларини қизиқтирувчи, яъни аниқлаган ҳуқуқбузарликлар, уларни содир этган шахсларнинг исми, шарифи ва манзиллари тўғрисидаги, шунингдек маъмурий ҳудудда жойлашган «Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш маркази»нинг манзили, ишга ёлланиш учун фуқаролар тўпланадиган жойлар, уларнинг рўйхатдан ўтмасдан яшаши мумкин бўлган манзиллар тўғрисида маълумотларни беради.

Зарур ҳолларда улар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг паспорт-виза қоидаларига риоя этилишини таъминлаш борасида маъмурий ҳудудда махсус тадбирлар ўтказиш бўйича таклифлар билан чиқадиладар.

Профилактика инспектори хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати томонидан тақдим этилган рўйхат асосида ҳудудда доимий истиқомат қилувчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни милиция таянч пунктининг паспортига қайд этиб боради.

Амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида хизмат олиб бораётган профилактика инспекторлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида фуқароларнинг турган жойи бўйича вақтинчалик рўйхатга қўйиш ишларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

Шу билан бирга, профилактика (катта) инспектори ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, фуқаролар томонидан шахсий ўқотар ва ов қуроли ҳамда ўқ-дориларни сақлаш, шунингдек улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини текшириб, назорат қилиб боради. Бу борада профилактика инспекторлари туман, шаҳар ИИБ жамоат тартибини сақлаш бўлимларининг назорат-лицензиялаш тизими учун масъул бўлган ходимлари билан мунтазам равишда ҳамкорлик қилиб борадилар.

Ҳудудий профилактика инспекторларининг олис қишлоқ (овул) ва чегара ҳудудларида, таълим муассасалари жойлашган ҳудудларда, бозорлар, ўйингоҳлар, истироҳат, кўнгилочар ва дам олиш масканлари мавжуд маъмурий ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари Профилактика (катта) инспекторлари ва милиция таянч пунктлари фаолиятини ташкил этиш бўйича Йўриқномада алоҳида тартибда белгилаб берилган.

Милиция таянч пунктларига бириктирилган профилактика инспекторлари, ички ишлар органларининг бошқа хизмат ходимлари, жалб этилган қўшимча куч ва воситалар, шунингдек, жамоатчилик тузилмаларига жамоат тартибини сақлашда раҳбарлик қилиш вазифаси профилактика катта инспектори зиммасига юклатилган.

Профилактика катта инспекторига, Йўриқнома билан профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган вазифалардан ташқари, қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилади:

- профилактика инспекторларининг иш фаолияти устидан умумий раҳбарлик қилиш ва назоратни таъминлаш;
- милиция таянч пункти фаолиятини бошқариш;
- милиция таянч пункти профилактика инспекторлари, хизматга жалб этилган соҳавий хизмат ходимлари ва жамоатчилик вакиллари билан йўриқнома ўтказиш;
- профилактика инспекторлари фаолиятини таҳлил қилиш;
- профилактика инспекторлари фаолияти натижалари бўйича ҳисоботларни умумлаштириш ва ички ишлар органи ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматига тақдим этиш;
- милиция таянч пункти таркибидаги субъектлар ўртасида ҳамкорликни ташкил этиш ва фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқалар.

Профилактика катта инспектори бўлмаган милиция таянч пунктида мазкур вазифалар, ички ишлар органи бошлиғининг буйруғига асосан, профилактика инспектори зиммасига юклатилади.

Профилактика (катта) инспекторининг хизмат мажбуриятлари универсал хусусиятга эга бўлиб, уларни муваффақиятли бажариш учун ходим ўз мутахассислиги бўйича чуқур билимга эга бўлиши, тезкор вазиятни яхши билиши, хизматда нафақат зарур касбий малака ва воситаларни, балки психолого-педагогик билим ва ҳаётий тажрибани ҳам қўллай олиши керак¹.

Профилактика (катта) инспекторлари хизмат фаолиятида қонунчиликка қатъий риоя қилишлари, юксак ҳуқуқий маданиятга эга бўлишлари, жамоатчилик ёрдамига доимий таянишлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ариза ва шикоятларига ҳамда хабарларига тезлик билан эътибор беришлари, ички ишлар органлари ходимларининг касб маданияти қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда хизматда ва оилада бенуқсон хулқ-атворга эга бўлишлари лозим.

Бугунги кунда профилактика инспекторлари жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамоат хавфсизлигини қўриқлашда давлат ҳокимияти таянадиган махсус ижтимоий институтга айланиб улгурди. Тадқиқот жараёнида ижтимоий сўровларга жалб этилган фуқароларнинг «Сиз профилактика инспекторининг маҳаллангиз, турар жойингизда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга қаратилган ишини қандай баҳолайсиз?» деган саволга аксарият кўпчилигининг (91,4 %) ижобий баҳо бергани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Ички ишлар органларининг бевосита милиция таянч пунктларига бириктирилган ҳолда ўз фаолиятини бошқа соҳавий хизматлар ва жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорликда олиб борувчи хизматлардан бири *патруль-пост хизмати нарядларидир*.

Шуни таъкидлаш керакки, ички ишлар органларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар жараёнида патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш фаолиятини таъминловчи ўзига хос тизим шаклланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрель қарори билан тасдиқланган Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепциясига биноан Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси таркибидаги патруль-пост хизматлари мутлақо янгича асосда тузилди ва фаолияти йўлга қўйилди. Тошкент шаҳрида ислохотларга қадар фаолият юритган учта патруль-пост хизмати полки ва пойтахт туманлари ички ишлар органларидаги патруль-пост хизмати роталари негизида Тошкент

¹ Қаранг: Управление деятельностью служб общественной безопасности: учебник для слушателей Академии управления МВД России. – М., 2000. – С. 95.

шаҳар ички ишлар бош бошқармаси Патруль-пост хизмати бригадаси ва унга қарашли олтита батальон ташкил этилди. Бу Тошкент шаҳрида патруль-пост хизмати саф бўлинмалари устидан оператив раҳбарликни ташкил этиш, содир этиладиган жиноятларга жавоб қайтаришда уларнинг оперативлиги ва ҳаракатчанлигини ошириш имконини берди.

Тошкент шаҳрида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ислохотларнинг ижобий натижаларини мамлакат миқёсида ёйиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 мартдаги «Ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 майдаги «Ўзбекистон Республикасида патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш фаолиятини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарори билан мавжуд штатлар сони доирасида патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш хизматларининг янги тизими яратилди, уларнинг асосий вазифалари белгилаб берилди ҳамда намунавий ташкилий-штат таркиби тасдиқланди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, вилоятлар ИИБ патруль-пост хизматлари жамоат тартибини сақлаш роталари, взводлари, бўлинмалари, гуруҳлари базасида вилоятлар марказлари, йирик шаҳарларда патруль-пост хизматлари батальонлари ҳамда туман, шаҳар ички ишлар бўлимларида жамоат тартибини сақлаш бўлимлари (бўлинмалари, гуруҳлари) тузилди.

Қарорда патруль-пост хизматларининг саф бўлинмалари Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБлари ва Транспортдаги ИИБдаги бригада ва батальонларни ўз ичига олади ва улар бириктирилган маъмурий ҳудудда бевосита ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга масъул эканлиги белгилаб берилди.

Бугунги кунда милиция таянч пунктларига бириктирилган патруль-пост хизмати нарядлари патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш хизматига қарашли бўлиб, ўз патруллик йўналишлари ва постларида, маҳаллалар, кўчалар, майдонлар, истироҳат боғлари, транспорт объектлари ва милиция таянч пунктларига қарашли бошқа жамоат жойларида жамоат тартиби ҳамда хавфсизликни, фуқаролар томонидан белгиланган қонун ва қоидаларга риоя қилиниши устидан назоратни таъминлайдилар, жамоат тартиби бузилишининг олдини олиш, аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича ўз вақтида чоралар кўрадилар.

Патруль-пост хизмати нарядлари милиция таянч пунктига хизматга келган ходимларни қайд этиш дафтарида ҳисобга олинади ва

уларга йўриқнома берилиб, муайян ҳудудга бириктирилади. Милиция таянч пунктига бириктирилган патруль-пост хизмати ходимларининг сони икки кишидан кам бўлмаслиги лозим. Милиция таянч пункти ҳудудида нарядларни бошқариш профилактика инспектори ва патруль-пост хизмати гуруҳи командири томонидан амалга оширилади, нарядларни жойлаштиришдаги ўзгаришлар ҳақида ИИБ ва патруль-пост хизмати саф бўлинмаси навбатчилик қисмига ахборот бериб борилади.

Патруль-пост хизмати ходимлари маъмурий ҳудудда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича бир қатор вазифаларни амалга оширадilar. Уларнинг бу борадаги вазифалари Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2003 йил 23 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғида белгилаб берилган. Низомида кўрсатилганидек, патруль-пост хизмати нарядларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– хизмат ҳудудидаги криминоген вазият, содир этилган жиноятлар ҳақида навбатчилик қисми, профилактика инспектори, тезкор-қидирув хизматлари ва бошқа хизматларга ахборот бериб бориш;

– хизмат йўналишида ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитлар аниқланганда уларни бартараф қилиш, содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни тўхтатиш ва ҳуқуқбузарларни қўлга олиш чораларини кўриш;

– ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ушланганда, профилактика инспекторлари томонидан унга нисбатан тегишли процессуал ҳужжатлар расмийлаштирилиб, чора қўлланишини таъминлаш мақсадида, уни милиция таянч пунктига олиб келиш;

– хизмат ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари бузилгани, йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлгани аниқланганда, тегишли процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда зудлик билан бу ҳақда йўл-патруль хизмати ходимларига хабар бериш;

– ҳудудий профилактика (катта) инспекторининг кўрсатмаси асосида патруллик йўналишидаги хонадонларда яшовчи маъмурий назоратда турган, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, шартли ҳукм қилинган ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилган шахсларнинг уларга нисбатан белгиланган чеклашларга ҳамда жамиятда юриш-туриш қоидаларига риоя этишларини назорат қилиш ва натижалари ҳақида ахборот бериб бориш;

– жиноят содир бўлганда тезкор-тергов гуруҳи етиб келганига қадар ҳодиса жойини кўриқлаб туриш ҳамда гуруҳ етиб келгач, унинг раҳбари (терговчи)га зарур маълумотларни тақдим этиш ва бошқалар.

Милиция таянч пунктларига бириктирилган ҳолда хизмат олиб борадиган, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш асосий вазифаларидан бири бўлган яна бир субъект – *ички ишлар органларининг йўл-патруль хизмати нарядлари*.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрель қарори билан тасдиқланган Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси билан бошланган ислохотлар ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматларини ҳам четлаб ўтмади. Ушбу Концепцияга биноан, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг йўл-патруль хизматлари фаолияти ҳам мутлақо янги асосда тузилди. Шаҳарнинг ислохотларга қадар фаолият юритаётган ўн битта тумандаги давлат автомобиль назорати бўлинмалари, шунингдек батальон, полк негизида Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси Йўл-патруль хизмати бригадаси, унга қарашли бешта дивизион ва битта махсус дивизион ташкил этилди. Бу Тошкент шаҳрида йўл-патруль хизмати саф бўлинмалари устидан оператив раҳбарликни ташкил этиш, содир этиладиган жиноятларга жавоб қайтаришда уларнинг оперативлиги ошириш имконини берди. Қолаверса, йўл-патруль хизмати нарядларининг бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги такомиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги фармони ва унинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 майда қабул қилган «Йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминлаш чоралари тўғрисида»ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси ИИБ Давлат автомобиль назорати тизимлари негизида Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ташкил этилди ҳамда мавжуд штатлар сони доирасида давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматларининг тизими яратилди, уларнинг асосий вазифалари белгилаб берилди ҳамда намунавий ташкилий-штат таркиби тасдиқланди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, вилоятлар ИИБ Давлат автомобил назорати роталари, взводлари, бўлинмалари, гуруҳлари базасида вилоятлар марказлари, йирик шаҳарларда йўл-патруль хизмати батальонлари, алоҳида отрядлари ҳамда туман, шаҳар ички ишлар бўлимларида йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимлари (бўлинмалари, гуруҳлари) тузилди.

Қарорда белгиланганидек, йўл-патруль хизматларининг саф бўлинмалари Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ ва Транспортдаги ИИБдаги бригада, батальонларни ва алоҳида отрядларни ўз ичига олади ва улар бириктирилган маъмурий ҳудудда йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисалари, бевосита ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга масъулдирлар.

Бугунги кунда республикамизнинг вилоят марказлари ва шаҳарларида фаолияти йўлга қўйилган йўл-патруль хизмати нарядлари маҳаллалардаги милиция таянч пунктларига бириктирилган ҳолда, у ерда ҳудудий профилактика инспекторлари, ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари ҳамда жамоатчилик тузилмалари вакиллари билан ҳамкорликда хизмат олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари йўл-патруль хизмати сафдаги бўлинмаларининг фаолиятини белгилаб берувчи идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланганидек, йўл-патруль хизматларига қуйидаги асосий вазифалар юклатилган:

– йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини муҳофаза этиш, уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

– хизмат ҳудудида транспорт воситаларининг хавфсиз ва узлуксиз ҳаракатланишини таъминлаш;

– йўл ҳаракати доирасидаги жиноий ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чорасини кўриш ва барҳам бериш;

– ўз ваколати доирасида йўл ҳаракати қатнашчиларига қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишда кўмаклашиш ва ёрдам кўрсатиш;

– йўл ҳаракати қоидалари, йўл ҳаракати хавфсизлигига доир бошқа меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилиш;

– йўлларда ҳаракатланишни тартибга солиш, оммавий тадбирлар ва фавқулодда вазиятларда, қутқариш ишлари олиб борилаётган жойларда транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракатланишини ташкиллаштириш;

– жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, кўча, йўл ва бошқа жамоат жойларида жиноий ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;

– олиб қочилган ва ўғирланган транспорт воситаларини ҳамда йўл-транспорт ҳодисаси содир этиб воқеа жойидан ҳайдовчилари

яширинган ёки бошқа сабабларга кўра қидирувда бўлган транспорт воситаларини аниқлаш ва ушлаш чораларини кўриш;

– амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида кўрсатиб ўтилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқиш;

– йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган жойда кечиктириб бўлмас ҳаракатларни амалга ошириш, жабрланувчиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, шикастланган транспорт воситаларини белгиланган жойга олиб бориш, қаровсиз қолдирилган мол-мулкни кўриқлашга кўмаклашиш;

– Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга ва транспорт воситаларидан фойдаланишга қарши жиноятлар юзасидан суриштирув ишларини олиб бориш;

– патруль автомобилида кузатиб бориш орқали ўрнатилган тартибда транспорт воситаларининг ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашни амалга ошириш;

– йўл-транспорт ҳодисасининг келиб чиқишига сабаб бўлувчи қоидабузарликлар ёки йўл ҳаракати хавфсизлигига раҳна солувчи бошқа ҳатти-ҳаракатларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

– йўл ҳаракати доирасида юзага келган вазият ва уларни бартараф этишда кўрилаётган чоралар ҳақида аҳолини хабардор этиб туриш, бу борада оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш;

– йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган профилактик тадбирларни манфаатдор идоралар, ташкилотлар, маҳаллий ҳокимиятлар, ўзини ўз бошқариш органлари, фуқаролар билан биргаликда амалга оширишда қатнашиш;

– йўл ҳаракатини бошқаришда техник воситаларнинг ҳолати ва жиҳозланишини, автомобиль йўллари, кўчалар ва майдонларда таъмирлаш-қуриш ишларини олиб боришда белгиланган шарт-шароитлар таъминланишини назорат қилиш;

– ички ишлар органларининг хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни расмийлаштириш хизматининг жойлардаги ходимлари билан бирга, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан транспорт воситаларида Ўзбекистон ҳудудига кириш, чиқиш, бўлиш ва транзит ўтиш тартибларига риоя қилиниши назоратини амалга оширишда қатнашиш.

Милиция таянч пунктларида фаолият олиб бориши учун алоҳида хизмат хонаси ажратилган вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик

ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари ёки таянч пунктларига бириктирилган ҳолда хизмат олиб борувчи ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари, жумладан кўриқлаш хизмати, ёнғин хавфсизлиги хизмати, хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати, жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш хизмати ходимлари ўз зиммаларидаги асосий вазифаларни бажариш билан бирга, маъмурий ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган муайян вазифаларни ҳам амалга оширадilar. Хусусан:

– содир этилиши мумкин бўлган жиноятлар, энг аввало, ўта хавфли жиноятлар (кўпурувчилик-террорчилик фаолияти, уюшган жиноятчилик) ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича мақсадли тадбирларни ўтказиш;

– профилактик ҳисобда турган муқаддам судланганлар, маъмурий назорат остидаги ва бошқа тоифа шахсларга нисбатан юритилган ҳисобларнинг тўлиқлигини таъминлаш ва амалдаги қонунлар асосида юритилишини ташкил этиш;

– профилактик ҳисобда турган вояга етмаганлар ва уларнинг оначалари билан яқка тартибдаги тарбиявий-огоҳлантирув ишларини олиб бориш;

– жазони ижро этиш муассасаларидан жазони ўтаб қайтган шахсларни ишга жойлаштириш, моддий ва маиший шароитларини яхшилаш бўйича ижтимоий кўникма маркази билан ҳамкорлик қилиш;

– доимий даромад манбаи бўлмаган, мардикорчилик билан шуғулланувчи шахсларни «Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш» марказлари орқали иш билан таъминланишида ёрдам кўрсатиш;

– фуқароларнинг аризалари, хабарлари асосида олинган, тайёрланаётган ёки содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида қайд этиш ва кўриб чиқиш. бошқа хизмат ходимлари билан ҳамкорликда ушбу жиноятларни фош этиш ҳамда жиноятчиларни ушлашни ташкил этиш;

– давлат корхоналари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, тери-таносил касалликларини тарқатиш ва ОИТС (СПИД)га қарши кураш бўйича белгиланган тадбирларни амалга ошириш;

– табиий офат оқибатларини бартараф этишда, фавқулодда вазиятларида аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш учун тегишли хизматларга яқиндан ёрдам кўрсатиш;

– корхона, ташкилот, муассасалар ҳамда фуқароларнинг ободонлаштириш ва санитария қоидаларига риоя қилишларини назорат қилиш;
– ҳудуддаги тезкор вазият асосида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, давлат ва жамият мулкини сақлаш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни ташкил этиш ва бу борадаги фаолиятни такомиллаштириш бўйича ички ишлар органлари раҳбариятига аниқ таклифлар киритиш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2002 йил 22 мартдаги «Милиция таянч пунктида ички ишлар органлари ходимлари ва жамоатчилик тузилмалари вакиллари вакилликдаги фаолиятини ташкиллаштириш бўйича «Услубий қўлланма»ни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи билан белгиланган ушбу вазифаларнинг кўпчилиги ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар профилактикаси билан боғлиқ бўлса-да, уларнинг амалга оширилиши, ўз навбатида, маъмурий ҳудудда жамоат тартибини сақлашга хизмат қилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, милиция таянч пунктлари нафақат ички ишлар органлари ходимлари учун, қолаверса, маҳалла посбонлари, маҳалладаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, яраштириш комиссиялари ва бошқа тегишли комиссиялари учун ҳам асосий таянч пункт ҳисобланади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари негизида фаолияти йўлга қўйилган ушбу жамоатчилик тузилмалари ичида асосан маҳалла посбонлари жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органларига бевосита ёрдам кўрсатадилар. Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, яраштириш комиссиялари, хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиялар, вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялар ва бошқа тегишли комиссиялар эса ички ишлар органларига ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этиш, аҳолини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш, жумладан уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда яқиндан ёрдам кўрсатадилар.

«Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси мамлакатимизда тинчлик, осойишталик, хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларда огоҳлик ва фаолликни ошириш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан давлат органлари ўртасидаги ҳамкорлик ишларини тизимли йўлга қўйиш мақсадида барча фуқаролар йиғинларида ташкил этилади.

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда маҳалла посбони тузилмаларининг кучли салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш, улар сафига кенг оммани жалб этиш, тайёргарлигини кучайтириш ва чегара кўшинлари ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорлигини таъминлаш катта аҳамиятга эга¹. Жамиятда «Маҳалла посбони» жамоатчилиқ тузилмалари фаолиятининг йўлга қўйилиши фуқароларнинг фаоллигини ошириш орқали ҳуқуқий демократик давлат куриш жараёнини жадаллаштириш, давлат бошқарув органларининг айрим ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказишга кенг йўл очиш, осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашда давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни таъминлашга кенг йўл очиб берди.

Жамоатчилиқ тузилмаси фуқаролар йиғини кенгаши томонидан, фуқаролар йиғини раисининг тақдимномасига асосан, ҳудудий ички ишлар органларининг профилактика инспектори билан келишган ҳолда ҳудудда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик ҳолатларининг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ихтиёрий равишда ёрдам бериш истагини билдирган фуқаролардан иборат таркибда шакллантирилади. Тузилма аъзолигига жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга доир профилактика тадбирларида ихтиёрий равишда иштирок этиш истагини билдирган, жисмоний ва маънавий соғлом, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қиладиган, юксак инсоний ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ёки сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинади.

Жамоатчилиқ тузилмаси аъзолари сони тегишли ҳудуднинг табиий-географик, ижтимоий-иқтисодий, демографик, криминоген хусусиятларидан келиб чиқиб, ички ишлар органларининг профилактика инспектори билан келишган ҳолда, фуқаролар йиғини кенгашининг қарорига мувофиқ белгиланади ва ўзгартирилади. Жамоатчилиқ тузилмаси аъзолари сони 6 нафардан 16 нафаргача бўлиши лозим.

Жамоатчилиқ тузилмаси аъзолигига номзоднинг белгиланган талабларга мувофиқлигини ўрганиб чиқиш учун фуқаролар йиғини раиси ва ҳудудий профилактика инспектори шахсан масъулдирлар.

¹ Қаранг: *Каримов И.А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т., 2000. – Б. 350.

Фуқаролар йиғини раиси ва ҳудудий профилактика инспектори томонидан фуқароларни жамоатчилик тузилмаси аъзолигига қабул қилиш ва аъзолдан чиқаришни қайд этиш бўйича махсус дафтар юритилади ҳамда аъзолар фаолияти мониторинги олиб борилади. Ушбу дафтар тегишли ҳудуддаги милиция таянч пунктида сақланади.

Ижобий тавсифланган шахсларни посбонликка қабул қилишда ва ўзларини салбий томондан намоён этган шахсларни посбонликдан чиқаришда ҳудуд профилактика инспекторининг фикри инобатга олинади. У ички ишлар органи бошлиғига ҳисобда турувчи шахслар билан тарбиявий иш олиб боришда фаол қатнашган, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда ўрнатилган «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари аъзоларини тақдирлаш бўйича таклифлар киритади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, милиция таянч пунктлари негизида ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ходимлари маҳалла посбонлари билан бошқа жамоатчилик тузилмаларига нисбатан кўпроқ ҳамкорликда иш олиб борадилар. Буни ўтказилган ижтимоий сўровда қатнашганларнинг 52,8 фоизи ҳам маъқуллашган.

Шу сабабли профилактика инспектори ушбу жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорликда иш олиб бориш билан бирга, ички ишлар органлари соҳавий хизмат ходимларининг улар билан ҳамкорликдаги фаолиятини ҳам мувофиқлаштириб боради.

Ўз вазифасини сидқидилдан бажармаган, фаолияти салбий баҳоланган, қонунга зид хатти-ҳаракатлар қилган шахсларни жамоатчилик тузилмаси аъзолари сафидан чиқариш фуқаролар йиғини раиси тавсиясига асосан фуқаролар йиғини кенгашининг қарори билан амалга оширилади.

Маҳалла посбонлари маъмурий ҳудудда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича қуйидаги вазифаларни амалга оширадилар:

– фуқароларнинг, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, тегишли ҳудудда қонун устуворлиги ва осойишталикни, жамиятда юриш-туриш қоидаларига ва ахлоқ-одоб мезонларига риоя қилинишини таъминлаш, ҳудудда тартиб ўрнатишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига кўмаклашиш;

– ички ишлар органлари ҳисобида турувчи, тарбияси оғир вояга етмаган шахслар билан аниқ мақсадли профилактика тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказишда иштирок этиш;

– фуқаролар томонидан паспорт тизими, санитария, ёнғин ва ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши юзасидан тегишли ҳудудда тушунтириш ишларини олиб боришда иштирок этиш;

– ҳудудда хавфсизликни ва жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар огоҳлигини ошириш, жиноят содир бўлганда айбдор шахсларни аниқлаш тадбирларида қатнашиш;

– конституциявий тизимга қарши турли ахборотларни тарқатувчи шахсларни аниқлаш ҳамда улар билан профилактик-тарбиявий ишлар олиб бориш;

– жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга кўмаклашиш, экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ҳудудий дастурларда белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш;

– тегишли ҳудудда ноқонуний истиқомат қилаётган, узоқ муддатдан буён уйига келмаётган шахслар ҳамда ўзларига маълум бўлган, содир этиш учун тайёргарлик кўриляётган жиноятлар тўғрисида тузилма раҳбарини ва ички ишлар органларининг ҳудудий профилактика инспекторини ёки тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;

– жамоатчилик тузилмасига юклатилган бошқа вазифаларни амалга оширишда фаол иштирок этиш¹.

«Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзолари ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш жараёнида муайян ҳуқуқларга эга.

Ҳозирги кунда Наманган вилояти ички ишлар органлари тизимида маҳаллалар ва бошқа аҳоли турар жойларида маҳалла посбонлари ёрдамидан фойдаланиш бўйича яхши тажриба шаклланган. Вилоятдаги мавжуд маҳалла, овул ва кўрғонларнинг асосий кириш йўллари ҳамда аҳоли гавжум жойларида «жамоатчилик назорат масканлари»нинг фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларда куннинг муайян вақтларида маҳалла посбонларининг навбатчилиги ташкил этилган. Маҳалла посбонлари мазкур масканларда фаолият олиб бориш вақтида маҳаллага кираётган бегона шахслар ва транспорт воситаларини кузатиб, уларнинг ҳисобини юритадилар.

Масканда жамоатчилик фаолияти мунтазам равишда маҳалла фуқаролар йиғини раиси, профилактика инспектори томонидан назорат ва таҳлил қилиниб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг умумий йиғилишида муҳокама қилиб борилади. Фикримиз

¹ Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. – 2014. – №10. – 106-м.;

ча, Наманган вилояти ички ишлар органлари тизимидаги ушбу илғор тажрибани бутун республика миқёсида жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Бироқ, ҳозирги кунда маҳалла посбонларининг имкониятларидан янада самарали фойдаланишга салбий таъсир кўрсатаётган муайян муаммо ва камчиликлар ҳам учрамоқда. Буларга айрим милиция таянч пунктларида маҳалла посбонлари учун алоҳида хизмат хоналарининг йўқлиги, улар учун муайян хизмат кийимининг таъсис этилмагани, айрим маҳалла посбонлари томонидан «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари тўғрисидаги низомда белгиланган ҳуқуқ ва ваколатлар доирасидан четга чиқиш, уларни суиистеъмол қилиш, фуқароларга ўзларини ички ишлар органи ходими сифатида кўрсатиб, уларнинг ваколатига кирувчи функцияларни ўзбошимчалик билан бажариш ва қонунбузарликка йўл қўйиш ҳолатлари кузатилаётганини киритиш мумкин. Шу сабабли ўтган йиллар ичида айрим маҳалла посбонлари салбий сабабларга кўра, баъзилари эса жинойт содир этгани учун ушбу тузилмалар сафидан чиқарилган.

Амалиётда маҳалла посбонлари томонидан салбий ҳолатларга йўл қўйилаётганини ижтимоий сўровда иштирок этган профилактика инспекторлари ва маҳалла оқсоқолларининг 85 % ҳам тасдиқлаган. Жумладан, сўровга қатнашганларнинг 30 % маҳалла посбонлари фаолиятида фуқароларга ўзини ички ишлар органи ходими сифатида кўрсатиш, 45 % ўзбошимчалик билан ички ишлар органлари ходимларининг ваколат доирасига кирадиган вазифаларни бажаришга уриниш, 25 % эгаллаб турган жамоатчилик лавозимларидан кўп ҳолларда ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳоллари учраб туришини кўрсатганлар. Шунингдек, ўтказилган тадқиқотларда бугунги кунда 40 % маҳалла посбонларининг ҳудудда истиқомат қилувчи муқаддам судланган ва жамиятга зид турмуш тарзи юритувчи шахсларнинг содир этилган жинойтга алоқадорлигини аниқлаш мақсадида улар билан яқка тартибда суҳбатлар ўтказиётгани, 15 % – муайян ҳудудда содир этилган жинойтларни ўзича фош этишга ҳаракат қилаётгани, 25 % – қидирувда бўлган жинойтчиларни бевосита ўзлари ушлаш чораларини кўраётгани, 20 % – жинойтларнинг сабаб ва шароитларини ўзлари мустақил бартараф қилишга уринаётгани аниқланган¹.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган йиллар ичида милиция таянч пунктларида фаолият олиб борувчи ички ишлар органлари

¹ Каранг: *Мухторов Ж. С.* Маҳалла посбони // *Ҳуқуқ–Право–Law*. – 2005. – № 3. – Б. 2–4.

соҳавий хизматлари ходимларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар негизидаги жамоатчилик тузилмалари билан узлуксиз ва самарали ҳамкорлигини ташкил этиш мақсадида милиция таянч пунктларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан битта бинода жойлаштиришга асосий эътибор қаратилди. Бунинг натижасида 2014 йилнинг якунига келиб мамлакатимиздаги мавжуд милиция таянч пунктларининг 91,2 фоизи маҳалла фуқаролар йиғинлари билан битта бинода жойлашган ҳолда фаолият юритиб келмоқда.

«Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаларининг ички ишлар органлари ходимлари билан ҳамкорлигининг натижалари ҳақидаги статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, 2001–2014 йиллар давомида йилига ўртача 6270 та жиноятнинг фош этилишида маҳалла посбонларининг ёрдамида бўлиб, жиноятлар очилишида маҳалла посбонларининг иштироки 2014 йилда 2001 йилга нисбатан 2,5 баравар ошган. Шу билан бирга, йилига ўртача 1010 дан ортиқ жиноят бевоқифа маҳалла посбонлари томонидан очилган¹.

Жойларда ўз вазифаларига сидқидилдан ёндашиб, бошқаларга ўрнак бўлган маҳалла посбонларини рағбатлантириб бориш мамлакатимизда анъанага айланиб бормоқда. Хусусан, 2001–2014 йиллар давомида йилига ўртача 2620 нафар маҳалла посбонлари давлат ҳокимияти органлари томонидан рағбатлантирилган бўлса, ушбу йилларда йилига ўртача 832 нафар маҳалла посбонларига ички ишлар идораларида хизмат қилиш учун йўлланма берилган, уларнинг йилига ўртача 270 нафарга яқини ички ишлар органлари хизматида қабул қилинганлар.

Бундан ташқари, ўтган йиллар ичида бир қатор маҳалла посбонларининг фидокорона меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланиб, тегишли давлат мукофотлари билан ҳам рағбатлантирилди. Хусусан, Андижон вилояти Олтинкўл тумани «Охунбобоев» номли ҚФЙ «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори М. Маматқулов ва Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани «Мирзачўл» ҚФЙ «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори А. Сафаровлар «Шухрат» медали билан мукофотланганини мисол ўрнида кўрсатиш мумкин².

¹ Ўқув қўлланмада Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармасининг 2001–2014 йиллардаги фаолияти бўйича статистик маълумотлар таҳлилидан фойдаланилди.

² Батафсил маълумот учун қаранг: *Рўзиев З.* Туну кун хизматда // Постда. – 2008. – 13 сент.; *Мирюсуфзода Ш., Саидов И.* Ёниб яшар бир аёл // Постда. – 2008. – 6 сент.

Ўтган йиллар мобайнида республикамиздаги оператив вазият таҳлили шуни кўрсатадики, милиция таянч пункти субъектларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти ўзининг самарасини бериб келмоқда. Жумладан, 2002 йилда мамлакатимиз маҳаллаларининг 11,6 %да умуман жиноят содир этилишига йўл қўйилмаган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 18,6 %ни, 2004 йилда 20,1 %ни, 2005 йилда 23,9 %ни, 2006 йилда 26,1 %ни, 2007 йилда 26,7 %ни, 2008 йилда 26,6 %ни, 2009 йилда 27,1 %ни, 2010 йилда 22,1 %ни, 2011 йилда 22,6 %ни, 2012 йилда 23,3 %ни, 2013 йилда 22,9 %ни, 2014 йилда 22,2 %ни ташкил этди.

Ҳозирги кунда милиция таянч пунктлари фаолиятидаги ечимини кутаётган муаммолардан бири уларнинг номланиши билан боғлиқ масаладир. Ушбу масалани чуқур таҳлил қилиб, бу борада муайян қарорга келиш ҳам бугун жуда долзарб ҳисобланади. Чунки ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислохотлар самараси ўлароқ, бугунги кунда тизимда «милиция» атамасидан милиция таянч пунктларининг номланишида фойдаланилмоқда, холос¹.

Тадқиқот жараёнида ўтказган социологик сўровда мутахассислардан милиция таянч пунктларининг номланиши хусусидаги фикрлари сўралганда, қатнашчиларнинг 5,1 % уларни «Ички ишлар органлари таянч пункти», 10,2 % «Маҳалла таянч пункти» деб номлашни маъқул кўришган бўлса, 67,3 % «Милиция таянч пункти» деб номланишининг ўзи маъқул эканини айтишди. Қолган 17,4 % эса ушбу тузилмаларнинг нисбатан замонавий номини ўйлаб топиш ёхуд хориж тажрибаларидан келиб чиқиб уларни қайта номлаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблашди. Фикримизча, республикамизда «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши мазкур муаммонинг ечимини топишга хизмат қилади.

Худудда криминоген вазиятни барқарорлаштириш ва аҳоли хавфсизлигини тун-у кун таъминлашда бир-бирига яқин жойлашган милиция таянч пунктларининг фаолиятини самарали бошқариш, куч ва воситалардан фойдаланишда тезкорлик ва тежамкорликка эришиш мақсадида, маъмурий худуддаги ўзига хос хусусиятлар, криминоген ҳолатни инобатга олган ҳолда, шаҳар ва туманларда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ бошлиқларининг Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси билан келишилган

¹ Қаранг: Милиция қандай ислохотга мухтож // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2004. – № 1. – Б. 9.

ҳолда чиқарган буйруқлари асосида бўйсунувида учтадан бештагача бўлган милиция таянч пунктларини қамраб олган марказий милиция таянч пунктлари ташкил этилади.

Марказий милиция таянч пунктида милиция таянч пункти учун ажратиладиган хоналардан ташқари қўшимча равишда профилактика катта инспектори учун алоҳида хизмат хонаси, навбатчилик қисми, хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати ходимининг хизмат хонаси ажратилади.

Марказий милиция таянч пунктлари билан ҳудудий ИИБ–ИИББ–ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармалари ва ички ишлар органи навбатчилик қисмлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқа ўрнатилади ҳамда уларда кеча-ю кундуз профилактика инспекторларининг навбатчилиги ташкил этилади.

Марказий милиция таянч пункти профилактика катта инспекторига юклатилган қўшимча вазифаларни тўлиқ бажариши учун ички ишлар органлари раҳбарлари томонидан кам ҳажмдаги хизмат ҳудуди бириктирилади.

Марказий милиция таянч пункти профилактика катта инспекторига ўз хизмат вазифаларини бажаришдан ташқари қўшимча қуйидаги вазифалар юклатилади:

– марказий милиция таянч пунктига бириктирилган милиция таянч пунктларининг фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилиш;

– бириктирилган милиция таянч пунктларининг ҳисоботларини умумлаштириш, таҳлилни олиб бориш ва раҳбариятга жинойтчиликнинг олдини олиш юзасидан таклифлар киритиш;

– жинойтчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида соҳавий хизмат ходимлари ҳамда жамоат ташкилотлари, маҳалла қўмиталари, «Маҳалла посбонлари» жамоат тузилмаларининг ҳамкорликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

– марказий милиция таянч пунктига бириктирилган милиция таянч пунктларининг умумий чизма тарҳини тайёрлаш ва ички ишлар органи раҳбари тасдиғидан ўтказиш;

– марказий милиция таянч пунктига бириктирилган милиция таянч пунктлари ҳудудларида содир этилган жинойтлар бўйича воқеа жойига тезкор-тергов гуруҳи етиб келгунга қадар профилактика инспекторларининг чиқишини таъминлаш ва уларнинг аниқ вазифаларини белгилаш;

– фуқаролардан тушган ариза ва шикоятлар ҳамда жинойтлар тўғрисидаги хабарларнинг ўз муддатида, сифатли ва тўлиқ ўрганиб

чиқилишини ҳамда улар бўйича қонунда белгиланган тартибда чоралар кўрилишини таъминлаш;

– профилактика (катта) инспекторлари томонидан профилактик ҳисобда турган барча тоифадаги шахсларни мунтазам равишда яшаш ва иш жойларидан текшириб борилишини назорат қилиш;

– милиция таянч пунктларида юритилаётган барча ҳужжатлар, профилактик йиғмажилдлар доимий равишда тўлдирилиб, улардаги маълумотлар янгиланиб борилаётганини текшириб, тавсия ва таклифлар бериш.

Бугунги кунда ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг таркибий қисми сифатида жойлардаги милиция таянч пунктларини бошқариш, улар фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида республикамизнинг Наманган вилоятида Марказий милиция таянч пунктларининг фаолияти бутун бошли тизим сифатида йўлга қўйилган. Вилоят ИИБ ҲООБда ташкил этилган «Марказий бошқарув» тизими томонидан вилоятда мавжуд 370 та милиция таянч пунктини самарали бошқаришда фаолияти йўлга қўйилган 70 дан ортиқ марказий милиция таянч пункти ишининг натижаси ижобий бўлмоқда.

Марказий милиция таянч пунктлари фаолиятининг йўлга қўйилганлиги натижасида: *биринчидан*, милиция таянч пунктлари фаолиятини бошқариш енгиллашди ҳамда куч ва воситалардан фойдаланишда тезкорлик ва тежамкорликка эришилди; *иккинчидан*, хизмат бўйича зарур кўрсатма, топшириқ ва ахборотларни милиция таянч пунктларига етказиш ҳамда қабул қилишда тезкорлик ва аниқликка эришилди; *учинчидан*, марказий милиция таянч пунктларида хорижга чиқиш келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати ходимлари учун хоналарнинг ажратилганлиги ҳафтанинг белгиланган кунларида улар томонидан фуқароларни бевосита қабул қилишлари ҳамда мазкур масканларнинг ўзида паспорт бериш, алмаштириш ёки паспорт тизими билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш имконини берди; *тўртинчидан*, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари томонидан марказий милиция таянч пунктларида ҳафтанинг белгиланган кунларида маъмурий ҳудудда яшовчи фуқароларнинг автотранспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш ва бошқа шунга ўхшаш шарт-шароитлар йўлга қўйилди ва ҳоказо.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистонда аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлашнинг ўзига

хос тизими шаклланди. Бу тизимнинг афзалликларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

биринчидан, милиция таянч пунктлари ички ишлар органларининг тун-у кун фаолият олиб боровчи энг қуйи бўғини бўлиб, унинг негизида соҳа ходимларининг жамоатчилик билан узлуксиз ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича милиция таянч пунктлари негизидан ички ишлар органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда улар негиздаги яраштириш комиссиялари, ёшлар комиссиялари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ва «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари билан самарали ҳамкорлиги йўлга қўйилиши бу борада ўзининг натижаларини бермоқда. 2001–2014 йиллар давомида ҳар йили ўртача бир ярим мингдан ортиқ жиноят жамоатчилик ёрдамида қош этилиб келинаётган бўлса, ҳар йили ўртача саккиз мингга яқин жиноят содир этилишининг олди олиниб келинган;

иккинчидан, милиция таянч пунктлари негизидан ички ишлар органлари ходимларининг жамоатчилик билан узлуксиз ҳамкорлигининг йўлга қўйилгани, аввало, ички ишлар органларини янада аҳолига яқинлаштиришга замин яратаётган бўлса, иккинчи томондан бу ҳудудда ички ишлар органлари хизматларининг кенг кўламли фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконини янада кенгайтирмоқда. Бинобарин, ички ишлар органлари фаолиятининг демократик асослари уларнинг нафақат давлат ва қонун, балки жамоатчилик олдида ҳам ҳисобдор бўлишини талаб қилади¹;

учинчидан, битта ҳудудга хизмат кўрсатувчи турли тармоқдаги ички ишлар органларининг бевосита ҳамкорликда иш олиб боришлари учун шароит яратилди. Бу билан Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан қўйилаётган талаб – ички ишлар органлари барча соҳалари ходимларининг ўз ишини маҳалладан, таянч пунктларида хизмат қилаётган профилактика инспекторлари билан ҳамкорликдан бошлашларига эришилмоқда.

тўртинчидан, эндиликда милиция таянч пунктида хизмат олиб боровчи субъектлар, жумладан профилактика инспектори фаолияти-

¹ Руководство по демократическим основам полицейской деятельности / Составлено Старшим советником Генерального секретаря ОБСЕ по вопросам полицейской деятельности. – Вена, 2008. – С. 14.

нинг асосий йўналишларидан бири – аҳолининг ҳуқуқий маданияти, онги ва дунёқарашини ривожлантириш қилиб белгиланди;

бешинчидан, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқ-бузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш мақсадида милиция таянч пунктларида вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий-спорт тадбирларини ташкиллаштириш ҳамда уларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш мақсадида милиция таянч пунктлари инфратузилмасида спорт майдончалари, жумладан футбол, баскетбол, волейбол майдонлари, сузиш хавзалари, тренажёр хоналари ташкил этилди ҳамда тажрибали мутахассислар жалб этилган ҳолда турли спорт мусобақаларини ўтказиб бориш йўлга қўйилди.

3-§. Маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича хориж тажрибаси

Турли давлатларда маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти турлича йўллар, усуллар билан таъминланади. Ушбу соҳада ҳар бир давлат ўзига хос тажрибага эга бўлиб, уларни ўрганиш ҳамда юртимиз жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимига татбиқ этиш бугуннинг долзарб талабларидан биридир.

Маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш борасида хорижий давлатлар тўплаган тажрибани ўрганиш бу масалага тизимли ёндашувни талаб қилади. Шу сабабли, кўзланган мақсадга эришиш учун қуйидагича ёндашиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

Хорижий давлатлар жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимлари. Ҳар бир давлатнинг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизими бошқа мамлакатларникидан муайян хусусияти билан ажралиб туради. Бу борада ўзига хос тажриба **Россия Федерациясида** тўпланган. Мамлакат Конституциясининг 72-моддасига мувофиқ, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш Россия Федерацияси ва субъектларининг биргаликдаги бошқарувида амалга оширилади. Ижроия ҳокимиятига раҳбарликни амалга ошириш асосида Президент ва ҳукумат қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, мулкчилик ва жамоат тартибинини кўриқлаш бўйича ташкилий-бошқарув чора-тадбирларини амалга оширади, шунингдек жиноий-ҳуқуқий сиёсатнинг асосий йўналишлари, ресурсларини белгилайди¹.

Россия Федерацияси Президентининг «Россия Федерацияси ички ишлар вазирлиги тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 1996 йил 18 июль фармонида кўрсатилганидек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, объектларни кўриқлаш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш ИИВнинг энг асосий вазифаси ҳисобланади². Россия Федерацияси

¹ Қаранг: Криминология / Под ред. проф. Н. Ф. Кузнецовой, проф. В. В. Лунеева. – М., 2004. – С. 204.

² Қаранг: Правовое регулирование деятельности органов внутренних дел: Сб. нормативно-правовых актов. – Т.1 / Отв. ред. В.А. Васильев. – М., 2001. – С. 103–114.

ИИВ федерация таркибига кирувчи республикалар ИИВлари, ўлкалар, вилоятлар ва федерал даражадаги шаҳарлар ички ишлар бош бошқармалари, бошқармалари ва бўлимлари, автоном вилоятлар ва округлар, туман ва шаҳар ички ишлар органлари, темир йўл, хаво ва сув транспорти тармоқ ички ишлар органлари, таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари, ички кўшинлар ҳамда тизимга кирувчи бошқа таркибий тузилмаларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади¹.

Россия Федерациясининг «Полиция тўғрисида»ги 2011 йил 7 февраль қонунида белгиланганидек, полиция ижроия ҳокимияти федерал органининг ички ишлар соҳасидаги ягона марказлашган тизими таркибий қисми ҳисобланиб, фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: шахс, жамият ва давлатни ҳуқуққа хилоф тажовузлардан ҳимоя қилиш; жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва фош этиш; жиноятларни аниқлаш ва очиш, жиноят ишлари бўйича суриштирувни амалга ошириш; қидирувни ташкил этиш; маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш ва маъмурий жазоларни ижро этиш; жамоат жойларида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш; йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш; қурол савдоси соҳасидаги Россия Федерацияси қонунчилигига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш; хусусий детективлик ва қўриқлаш фаолияти соҳасидаги Россия Федерацияси қонунчилигига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш; мулк ва объектларни қўриқлаш; жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноятга оид суд иши юритувидаги бошқа иштирокчилар, судьялар, прокурорлар, терговчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг бошқа мансабдор шахслари ҳамда қўриқланиши талаб этиладиган бошқа шахсларни давлат ҳимояси билан таъминлаш; эксперт-криминалистик фаолиятни амалга ошириш².

Полиция фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида, Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги таркибида қирқдан ортиқ бош бошқарма, департамент, бошқарма ва марказлар ташкил этилган. Уларнинг орасида Жамоат тартибини сақлаш ва Россия Федерацияси ижро ҳокимияти субъектлари билан ҳамкорликни мувофиқлаштириш-

¹ Қаранг: Указ Президента Российской Федерации от 18.07.1996 г. № 1039 «Об утверждении Положения о Министерстве внутренних дел Российской Федерации» / [Электронный ресурс]. — Режим доступа: — URL: <http://kremlin.ru/acts/bank/9733> (дата обращения: 15.06.2015).

² Қаранг: Федеральный закон Российской Федерации от 07.02.2011 г. N 3-ФЗ «О полиции» (редакция от 13.07.2015) / [Электронный ресурс]. — Режим доступа: — URL: <http://sudact.ru/law>. (дата обращения: 14.06.2015).

ни таъминлаш бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бош бошқармаси, Йирик халқаро ва оммавий спорт тадбирларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси ва улар тизимидаги таркибий тузилмалар бевосита жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш вазифасини амалга оширса, қолган бош бошқарма, департамент, бошқарма ва марказлар ўзига юклатилган асосий вазифаларни бажариш асносида маълум бир вақт ва даражада ушбу фаолиятда иштирок этадилар¹.

Собиқ Иттифоқ парчаланганидан кейин Россия Федерациясида милиция, кейин эса полициянинг фаолияти икки асосий йўналишга, яъни криминал ва жамоат хавфсизлиги милицияси (полицияси)га ихтисослашган ҳолда ташкил этилди.

Мамлакатда «муниципал полиция» ва «жамоат хавфсизлиги полицияси» атамалари бир хил маънога эга бўлиб, улар фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш мақсадида мамлакатда Россия Федерацияси Президентининг «Жамоат хавфсизлиги милицияси муниципал органларини босқичма-босқич шакллантириш тўғрисида»ги фармони қабул қилинган². Полиция тизими ва функцияларининг ушбу тартибда бўлиниши хизмат ва бўлинмалар фаолиятини самарали бошқариш ҳамда моддий маблағ, куч ва воситаларни тежаш имконини беради.

Муниципал полиция мамлакатда бошланғич ҳудудий бўғин ҳисобланиб, ўзида тармоқ тузилишини акс эттиради ҳамда бир томондан ижроия ва фармойиш берувчи маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа томондан бевосита аҳоли билан ўзаро алоқада бўлади. Муниципал полиция таркиби, ундаги бўлинмаларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ёки тугатиш, шахсий таркиб миқдорини белгилаш, молиялаштириш масалалари федерация ҳукуматининг ваколатига киради. Россия Федерацияси ҳукуматининг 2000 йил 7 декабрдаги «Жамоат хавфсизлиги милицияси бўлинмалари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, жамоат хавфсизлиги милицияси (полицияси) таркибига участка инспекторлари, йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекцияси, патруль-пост ва кўриклаш хизмати киради³.

¹ [Электронный ресурс]. – Режим доступа: – URL: <http://mvd.ru/mvd/structure>. (дата обращения: 16.06.2015).

² Қаранг: *Гранат Н. Л.* Место и роль муниципальной милиции в системе органов местного управления // Местное самоуправление: теория и практика. Труды Академии Управления. – М., 1998. – С. 171.

³ Қаранг: Правовое регулирование деятельности органов внутренних дел: Сб. нормативно-правовых актов. – Т.1 / Отв. ред. В.А. Васильев. – М., 2001. – С. 147–152.

Европа мамлакатлари орасида маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида яна бир ўзига хос тизим **Германияда** қарор топган. Германия давлат бошқаруви тизимида полиция асосий ўринлардан бирини эгаллаб¹, ўз ичига Федерал ИИВ ва Ўлкалар² ИИВларини қамраб олади. Ўлкалар ИИВлари Федерал ИИВнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаради, Федерал ИИВ эса субъектлар ваколатига кирадиган вазифаларга аралаша олмайди³. Мамлакатда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини асосан ўлкаларнинг полициялари амалга оширади.

Мамлакатда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизими марказлашмаган бўлиб, ўлкалар ҳуқуқ-тартибот хизматлари махсус тартиб бўйича давлат органларидан фарқланади⁴. Ўлкалар полициялари тартибни сақлаш, криминал, сувда тартибни сақлаш, сафарбарлик, конституцияни қўриқлаш каби полиция идораларидан ташкил топган бўлиб, улар ичида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш билан тартибни сақлаш полицияси шуғулланади. Мамлакатнинг ҳар бир ўлкасида ўз қонунчилиги ва идоравий ҳужжатлари амал қилса-да, тартибни сақлаш полициясининг фаолияти ҳамма ўлкаларда бир хил: ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва криминал полиция етиб келгунига қадар кечиктириб бўлмас тезкор-қидирув чора-тадбирларини амалга ошириш; йиғилиш, митинг ва намойишлар вақтида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш; жамоат жойларида тартибни сақлаш, алоҳида аҳамиятга эга иншоотлар ва ҳукумат биноларини қўриқлаш; кўча ҳаракатини тартибга солиш ва йўл ҳаракати хавфсизлигига риоя этилишини назорат қилиш; ушланганларни конвой қилиш ва суд муҳокамалари вақтида қўриқлаб туриш; ёнғин хавфсизлиги, санитария-эпидемиология ва бозорларда савдо қилиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш; паспорт тизимини назорат қилиш; умум қабул қилинган ўлчов ва оғирлик бирликларига риоя этилишини назорат қилиш; меҳмонхона, ресторан, бар, казино, лотерея ва тотализаторларда қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш; ўрмонни қўриқлаш;

¹ Қаранг: *Козырин А.Н.* Административное право зарубежных стран: учебное пособие. – М., 1996. – С. 120.

² *Изоҳ:* Германия давлат тузилишига кўра федератив республика бўлиб, Ўлкалардан ташкил топган.

³ Қаранг: Полиция Германии: История и современность: учебное пособие / Антонов И.П.; Ред.: Алферов Л.М. – М., 2000. – С. 65.

⁴ Қаранг: *Лазерев В. В., Болтенко Ю. Н.* Компетенция органов местного самоуправления Германии в сфере правопорядка // Местное самоуправление: теория и практика. Труды Академии Управления. – М., 1998. – С. 215.

маҳаллий фуқаро муҳофазасини амалга ошириш; қаровсиз қолган вояга етмаганлар ва ўсмирларни назорат қилиш кабилардан иборат.

Германияда маҳаллий ҳокимият органига раҳбарлик қилувчи шахс ҳудуддаги полиция ташкилотининг ҳам биринчи амалдори ҳисобланади. Бинобарин, айрим ўлкалар полициялари бутунлай ёки қисман давлатга қараса, баъзилари коммунал муассасалар ҳисобланади¹. Мамлакат жамоат тартибини сақлаш полициясида 160–165 минг нафар ходим хизмат қилади².

Европа мамлакатлари орасида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида яна бир ўзига хос жиҳатга эга бўлган тизим **Францияда** шаклланди. Тарихан Европанинг бошқа давлатлари сингари марказлашмаган ва ҳокимиятнинг турли институтларига бўйсунган Франция полицияси бугунги кунда Ички ишлар вазирлиги тизимида бирлашган икки асосий марказий институт – Миллий полиция ва Жандармериядан иборат.

Франция Ички ишлар вазирлиги ўз фаолиятини икки соҳада амалга оширади. Биринчиси бевосита полиция фаолияти бўлса, иккинчисининг фаолияти ички ишлар, ижтимоий ва маъмурий соҳалардаги кенг кўламли турли хил муаммоларни ҳал этишда акс этади. Шу боис, Ички ишлар вазирлиги Миллий полиция ва Жандармерия фаолиятига раҳбарлик қилиши билан бирга, мамлакатда сиёсий партиялар ва бирлашмаларни рўйхатга олиш, маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш, давлатнинг фуқаро муҳофазасини таъминлаш каби бир қатор ижтимоий-сиёсий вазифаларни ҳам амалга оширади.

Франциянинг тўлиқ маҳаллий бюджет ҳисобидан таъминланган муниципал полицияси шаҳарлар ва бошқа аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлайди ҳамда хавфсизлигини таъминлайди ва бу борада улар Миллий полиция билан узлуксиз ҳамкорликда фаолият олиб борадилар.

Франция Миллий полициясига полициянинг барча функциялари, жумладан жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш функцияси ҳам юклатилган бўлиб, уларни самарали таъминлаш мақсадида, унинг таркибида йигирмага яқин бош бошқарма, бошқарма, марказ, институт ва хизматлар фаолият олиб боради.

¹ Қаранг: Лазерев В. В., Болтенко Ю. Н. Компетенция органов местного самоуправления Германии в сфере правопорядка // Местное самоуправление: теория и практика. Труды Академии Управления. – М., 1998. – С. 217.

² Қаранг: Полиция Германии: История и современность. – М. 2000. – С. 80–81.

Миллий полиция таркибидаги Жамоат хавфсизлиги бош бошқармасининг асосий вазифаси бевосита жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Бош бошқарманинг фаолияти қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган: аҳолига ёрдам кўрсатиш; ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш; ҳуқуқни муҳофаза қилиш, хусусан катта бўлмаган миқдордаги зарар етказилиши билан боғлиқ жиноятларни суриштириш ва тергов қилиш; жамоат тартибини сақлаш ва қайта тиклаш.

Шунингдек, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш вазифалари ўзига хос тартибда Миллий полициянинг чегара ҳудудлари, темир йўллар ва ҳаво транспорти ҳудудларида хизмат олиб борувчи Чегара полицияси бош бошқармаси, асосий вазифаси республика даражасидаги оммавий тартибсизликларга қарши кураш ва уни бартараф этиш ҳисобланган Республика хавфсизлик корпуси марказий хизмати каби мустақил таркибий тузилмалари томонидан ҳам амалга оширилади.

Франция ИИВ Миллий полицияси сингари Бош дирекция раҳбарлик қилувчи ҳарбийлашган Миллий жандармерия ҳам жамоат хавфсизлигини, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Жандармерия қишлоқ ҳудудларида ва мамлакат аҳолисининг ярмини, давлат ҳудудининг 90 фоизини ташкил этувчи унча катта бўлмаган шаҳарларда полиция вазифасини бажаради. Маҳаллий жандармериялар тузилиши ва амалга оширадиган вазифаларига кўра Миллий полицияга жуда ўхшашдир.

Франция жандармерияси тергов ва полициянинг кундалик бошқа вазифаларини амалга оширишга қаратилган идоравий жандармерия ва асосий вазифаси жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мобил жандармерияга бўлинган бўлса-да, мамлакатда Денгиз жандармерияси, Ҳаво транспорти жандармерияси ва Ҳаво жандармерияси ҳам мавжуд.

Осиёда маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ўзига хос тизимга эга давлатлардан бири – **Япония**. Мамлакатда полиция ташкил этилган 1874 йилдан 1947 йилга қадар бутун бир марказлашган тизим шакллланган бўлса, урушдан кейин 1954 йилда қабул қилинган «Полиция ҳақида»ги қонунга мувофиқ, давлат аппаратида полиция кучларига раҳбарлик ва умумий назоратни амалга ошириш вазифаси тўғридан-тўғри Бош вазирга бўйсунувчи Жамоат хавфсизлиги давлат комиссиясига топширилган.

Жойлардаги Жамоат хавфсизлиги префектурал комиссиялари эса маҳаллий префектура губернаторига бўйсунди¹. Қонунга мувофиқ, жамоат хавфсизлиги давлат комиссияси ўз функцияларини амалда полиция бош бошқармасига кўрсатмалар бериш орқали бажаради.

Япония полициясининг ташкилий тузилиши ва фаолиятида муайян марказлашганлик мавжуд бўлиб, Токио полиция бошқармаси ва бошқа префектурал штаблар устидан тегишли жамоат хавфсизлиги комиссиялари билан бирга, полиция бош бошқармаси ва маҳаллий полиция бошқармаларининг бошлиқлари раҳбарлик ва назоратни амалга оширадilar.

Америка Қўшма Штатлари – маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича дунёда ўзига хос тизим ва илғор тажрибага эга бўлган давлат. АҚШда 40 мингдан ортиқ полиция идора-агентликлари мавжуд бўлиб, мамлакатда уларнинг бошқарилишини мувофиқлаштириб боровчи марказий полиция идораси мавжуд эмас. Мазкур полиция идораларининг кўпчилиги уч мингдан ортиқ графликда жойлашган шерифлик идораларидир². АҚШда 18789 та маҳаллий полиция участкалари мавжуд бўлиб, уларнинг 13578 таси умумий тартибдаги маҳаллий полиция бўлинмалари, 3088 таси шерифлар идоралари, 49 таси штатлар бўлинмалари, қолганлари эса маҳаллий ва штатлар махсус юрисдикция бўлинмалари (порт полициялари, транспорт полицияси ва бошқалар) ҳисобланади. Мамлакатда тўлиқ иш кунида ишлайдиган, қасамёд қабул қилган полициячилар сони ҳар 1000 нафар аҳолига 2,4 нафар, катта шаҳарларда эса 2,3 нафардан тўғри келади³.

Хорижий давлатлар жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимида таянч пунктларининг тутган ўрни. Ўзбекистондаги милиция таянч пунктларига ўхшаш тузилмалар Россияда «тартибни сақлаш таянч пунктлари» деб номланиб, уларнинг мақсади жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи ташкилотларнинг фаоллигини ошириш ҳамда давлат органлари билан ҳамкорлигини яхшилашдан иборат⁴. Тартибни сақлаш таянч пунктлари жамоатчилик органи

¹ Қаранг: *Уэда К.* Преступность и криминология в современной Японии / Пер. с яп. – М., 1989. – С. 151–152.

² Қаранг: *Кваша Л. Ф.* Особенности правового статуса шерифа и его значение для правового регулирования деятельности местной милиции // Местное самоуправление: теория и практика. – М., 1998. – С. 197.

³ Қаранг: *Криминология* / Под ред. Дж.Ф. Шели / Пер. с англ. – СПб., 2003. – С. 466–470.

⁴ Қаранг: *Административная деятельность ОВД.* – М., 2006. – С. 17–18.

ҳисобланиб, унга кирувчи жамоатчилик тузилмаларининг келишилган ҳолда фаолият кўрсатиши Кенгашлар томонидан таъминланади¹. Россия Федерациясида ички ишлар органлари тизими милициядан полицияга ўзгартирилгандан кейин мамлакатда тартибни сақлаш таянч пунктлари «полиция участка пунктлари» сифатида номлана бошлади.

Полиция участка нозирлари – полиция участка пунктларининг асосий субъектларидан бири бўлиб, уларнинг фаолияти Федерация ИИВнинг 2012 йил 31 декабрдаги буйруғи билан тасдиқланган «Полиция участка нозирларининг фаолиятини ташкил этиш масалалари»га доир буйруқ² асосида ташкил этилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда полиция участка нозирларининг асосий хизмат вақти маъмурий ҳудудда ўтиши белгиланган бўлиб, улар жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда тадбирлар олиб бориш зарурати туғилганида полиция участка пунктларида фаолият кўрсатадилар³. Ўтказилган социологик сўров натижаларидан маълум бўлишича, мамлакат аҳолисининг 70 фоизи ҳудудий яқинлиги ва тезкор ҳаракат қилиш имкониятини инобатга олиб, полиция участка нозирларига мурожаат этишни маъқул кўрадилар⁴.

«Полиция тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига кўра, полиция участка нозирларини маъмурий ҳудудда хизмат олиб боришга мўлжалланган бино билан таъминлаш, мазкур бинони мебель, тегишли техника ва алоқа воситалари билан таъминлаш, техник жиҳатдан эксплуатация қилиш федерал бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади⁵. Россия Федерациясида полиция участка нозирларини лавозимга тайинлаш ва ундан озод этиш туман, шаҳар ички ишлар органи бошлиғи томонидан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органининг розилиги билан амалга оширилади⁶. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда

¹ Қаранг: Административная деятельность органов внутренних дел. Часть особенная. / Под ред. д-ра юрид. наук, проф. А.П. Коренева. – М., 1999. – С. 70.

² Қаранг: Приказ МВД России от 31.12.2012 № 1166 «Вопросы организации деятельности участковых уполномоченных полиции» / [Электронный ресурс]. – Режим доступа: – URL: <http://www.rg.ru/uchastkoviedok.html>. (дата обращения: 14.06.2015).

³ Қаранг: Правовое регулирование деятельности органов внутренних дел: Сб. нормативно-правовых актов. – Т.1 / Отв. ред. В.А. Васильев. – М., 2001. – С. 315.

⁴ Қаранг: Мышляев Д. Н. О роли участковых инспекторов милиции в предупреждении административных деликтов, посягающих на общественный порядок// Проблемы деятельности служб общественной безопасности на современном этапе. – М., 2000. – С. 100.

⁵ Қаранг: Федеральный закон Российской Федерации от 07.02.2011 г. N 3-ФЗ «О полиции» (редакция от 13.07.2015) / [Электронный ресурс]. – Режим доступа: – URL: <http://sudact.ru/law>. (дата обращения: 14.06.2015).

⁶ Қаранг: Организация деятельности участковых уполномоченных милиции: учебное пособие. – Екатеринбург, 2002. – С. 7.

полиция участка нозирларига, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан ташқари, яна бир қатор вазифалар юклатилган¹.

Шунингдек, Россия Федерациясининг бир қатор ҳудудий ички ишлар органлари тизимида полиция участка нозирининг ёрдамчиси лавозими мавжуд бўлиб, ушбу лавозимга қабул қилинган ҳар бир ходим туман, шаҳар ички ишлар органи бошлиғининг буйруғи билан муайян полиция участка нозирига бириктирилади ҳамда унинг раҳбарлигида хизмат қилади. Полиция участка нозирининг жиноят ва ҳуқуқбузарлик ишлари юзасидан мустақил процессуал қарор қабул қилишдан ташқари барча ҳуқуқ ва мажбуриятларидан унинг ёрдамчиси ҳам фойдаланишига руҳсат этилади².

Маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда патруль-пост хизмати ходимларининг ўрни катта. Улар хизмат ҳудудида патруллик қилиш асосида жиноят содир бўлиши мумкин бўлган жойларни, яширинган жиноятчиларни аниқлайдилар, шахсларнинг жамиятга зид хулқ-атворга эргашмаслигини таъминлайдилар, содир бўлган ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга нисбатан тезда тегишли чоралар кўрадилар ёки бу ҳақда навбатчилик қисми, криминал милиция ва бошқа хизматларни хабардор қиладилар³.

Германия полициясининг аҳоли турар жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланувчи энг қуйи тузилмалари ҳам тартибни сақлаш пунктлари ҳисобланади. Улар турли жойларда турлича: «Бош полиция вахталари», «Полиция вахталари», «Полиция станциялари», «Полиция постлари», «Полиция инспекциялари» каби номланиши мумкин. Ушбу тузилмалар ҳам, милиция таянч пунктлари сингари, кечаю кундуз фаолият кўрсатади.

Японияда аҳоли турар жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш полициянинг қуйи бўғинлари – полиция пост ва пунктлари томонидан амалга оширилади. Мамлакатда полиция фаолиятини такомиллаштириб боришнинг устувор йўналишларидан бири уларнинг жамоатчилик билан ҳамкорлигини кучайтириб боришдан иборатлигини яхши тушунган Япония ҳукумати полиция фаолияти-

¹ Қаранг: Правовое регулирование деятельности органов внутренних дел: Сб. нормативно-правовых актов. – Т.1 / Отв. ред. В.А. Васильев. – М., 2001. – С. 314–325.

² Қаранг: Участковый_уполномоченный_полиции // [Электронный ресурс]. – Режим доступа: – URL: [http:// ru.wikipedia.org/wiki](http://ru.wikipedia.org/wiki). (дата обращения: 17.06.2015).

³Қаранг: *Алексеев А. И.* Криминология. – М., 2000. – С. 138.

нинг дастлабки даврларидан аҳоли турар жойларида полиция пост ва пунктларининг фаолиятини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратган. Натижада 1982 йилнинг бошидаёқ мамлакатда 9446 та полиция пости ва 6053 та полиция пункти аҳолига хизмат кўрсата бошлаган. Умуман олганда, ушбу пост ва пунктлар Япония полициясининг ўзаги бўлиб, уларда полиция ходимларининг 40 % хизмат қилади¹. Полиция постлари қишлоқларда жойлашган бўлиб, уларда битта полиция ходими ишлайди ва ўз оиласи билан истиқомат қилади. Полиция пунктлари эса асосан шаҳарларда жойлашган бўлиб, ходим учун фақат хизмат хонаси вазифасини бажаради.

Тадқиқот жараёнида ўтказган ижтимоий сўровимизда ички ишлар органлари ходимларидан «Япониядаги сингари ҳар бир милиция таянч пунктида профилактика инспекторининг оиласи билан ҳаёт кечириб фаолият олиб боришига қандай қарайсиз?», деб сўралганида, уларнинг 33,0 % «бу профилактика инспектори масъулиятининг, ҳудуд учун жавобгарлик ҳиссининг ошишига олиб келади» ва 11,9 % «бу милиция таянч пункти фаолиятининг самарадорлигига салбий таъсир қилади», деган жавобларни беришган бўлса, 10,1 % ушбу ҳолат вазиятни ўзгартирмаслигини, 45,0 % буни тасаввур қила олмаслигини билдиришган.

Японияда полиция пост ва пунктларида хизмат олиб борувчи патруль-пост хизмати ходимлари ўзларига бириктирилган ҳудудларда ҳар бир оила, корхона, муассаса ва ташкилот билан иш олиб борган ҳолда доимий равишда патруллик қиладилар. Мамлакат қонунларида ҳар бир полиция ходимига ўртача 400 та оила тўғри келиши лозимлиги назарда тутилган. Хизмат давомида патруль-пост хизмати ходимлари аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан жинойтларнинг олдини олиш бўйича суҳбатлар ўтказиб, уларни керакли ахборотлар билан таъминлайдилар, шунингдек жамоатчиликнинг полиция фаолиятига доир фикрини ўрганиб борадилар.

Ҳозирги кунда кўплаб хорижий мамлакатларда маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида муниципал ички ишлар органлари, уларда ишловчи ходимларнинг ҳуқуқий мақоми кенг муҳокама қилинмоқда, жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларининг бўлинмаслиги маҳаллий доирадаги масалаларни мустақил ҳал қилишда ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини чеклаб қўяётгани боис жамоат тартибини сақлаш ваколатларини бевосита

¹ Қаранг: Уэда К. Преступность и криминология в современной Японии / Пер. с яп. – М., 1989. – С. 154.

муниципал тузилмаларга бериш таклиф қилинмоқда¹. Шундай тартиб АҚШ шерифлик хизматларида ўз аксини топган.

АҚШда маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш вазифаси асосан шерифлар зиммасига юклатилган. Шериф (ингл. «sheriff») Буюк Британия ва АҚШда ўз округида полициянинг муайян маъмурий функцияларни бажарувчи мансабдор шахси² бўлиб, дастлабки даврларда шерифлардан графликларда қирол манфаатлари йўлида фойдаланилган. Ҳозирги кунда улар маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш ва жазоларни ижро этиш бўйича полициянинг кенг ваколатлар доирасига эга ишончли вакилидир³. Шериф маъмурий ҳудудларда жамоат тартибининг ҳолати бўйича тўлиқ жавобгар бўлиб, хизмат ҳудудида бу борада бирмунча мустақил ва кенг ҳуқуқларга эга, шунингдек ҳуқуқни қўллашда деярли барча ҳокимият ваколатларидан фойдаланади, фаолияти маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирилади⁴.

Шерифлик хизматларининг АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари тизимидаги ўрни шунчалик каттаки, уларнинг қонунийликни таъминлаши – айрим штатларда Конституцияни таъминлашга тенглаштирилган, айрим Конституцияларда шерифларнинг мажбуриятлари аниқ белгилаб берилган.

АҚШ полициясида шерифлар турли штатларда турлича тартибда 4–6 йил муддатга тайинланадилар. Жумладан, Род Айланд, Гавайи маъмурий ҳудудларида улар шахсан губернатор томонидан тайинланади. Калифорнияда бу лавозимга ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида тўрт йиллик иш стажига эга бўлган ходимлар тайинланса, Айдахо, Миссисипи, Оклахома, Канзас штатларида шерифликка номзод бўлган шахслар махсус ўқув курсини ўташи шартлиги белгиланган⁵. Дав-

¹ Қаранг: *Тоболин В. В.* Право муниципального управления. – М., 1997. – С. 136.

² Қаранг: *Большой юридический словарь.* Т. VI. – М., 1997. – С. 766.

³ Қаранг: *Кваша Л. Ф.* Особенности правового статуса шерифа и его значение для правового регулирования деятельности местной милиции // *Местное самоуправление: теория и практика. Труды Академии Управления.* – М., 1998. – С. 198.

⁴ Қаранг: *Собиров М.С., Норов В.И.* Поездка в Америку: отчет, впечатления, опыт. – Т., 1991. – С. 6.

⁵ Қаранг: *Кваша Л. Ф.* Особенности правового статуса шерифа и его значение для правового регулирования деятельности местной милиции // *Местное самоуправление: теория и практика. Труды Академии Управления.* – М., 1998. – С. 199.

латнинг айрим маъмурий ҳудудлари, хусусан Айова-Ситида шерифга хизмат фаолиятини олиб боришда ўзининг ёрдамчилари ва бошқа масъул ходимларни бевосита лавозимга тайинлаш ва озод қилиш ваколати берилган.

Умуман олганда, шериф кўплаб округларда «тинчликни сақловчи», айти вақтда, «округдаги асосий расмий шахс» ҳам ҳисобланади. Шерифга оммавий тартибсизликларни бартараф этишда ва ҳибсга олишда округдаги барча эркак фуқароларнинг кўмагидан фойдаланиш, жинойтларни суриштириш, патрулик қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини назорат қилиш каби ваколатлар билан бир қаторда, муниципал турмаларнинг аҳволи учун жавобгарлик ҳам юклатилган. Бу эса шериф ваколатлари доирасининг қанчалик кенглигини яққол кўрсатади.

Мамлакатда аҳоли турар жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимида патруль-пост хизмати ходимларининг ўрни ва аҳамиятини ўрганган америкалик мутахассислар ушбу хизматни «полициянинг юраги, ядроси» сифатида эътироф этишади¹. АҚШда марказлашмаган полиция тизими қарор топгани боис мамлакатда патруль-пост хизматлари фаолиятини ташкил қилиш шаклларида бир хиллик мавжуд эмас².

Маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда жамоатчиликнинг иштироки. Россияда милицияга кўмаклашувчи жамоатчилик тузилмаларини тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

– жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясини бажарувчи жамоатчилик тузилмалари – тартибни сақлаш таянч пунктлари, кўнгилли халқ дружиначилари, казаклар жамияти;

– корхона, муассаса ва ташкилотларнинг меҳнат жамоалари негизда ташкил этилган жамоатчилик тузилмалари – комиссиялар, секциялар, кенгашлар, марказлар;

– яшаш жойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши тарзида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашиш учун тузилган жамоатчилик тузилмалари – мавзелар кўмиталари, оналар кўмиталари, жамоатчи тарбиячилар;

¹ Қаранг: *Hale A. D. Police patrol.* – New York. 1981. – P. 2; *Осипов Ю. И.* Организация патрульно-постовой службы местной полиции США. – М., 1990. – С. 8.

² Қаранг: *Осипов Ю. И.* Организация патрульно-постовой службы местной полиции США. – М., 1990. – С. 15.

– муайян масалаларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган жамоатчилик юрисдикциявий органлари – маъмурий комиссиялар, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар¹.

Кўнгилли халқ дружиначилари Россияда тарихан шаклланган жамоатчилик тузилмаси бўлиб, мамлакат қонунчилигида уларнинг ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича фаолиятини янгича шароитда ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Ҳозирда Москва шаҳрида жамоат тартибини сақлашда дружиначиларнинг ўз ўрни мавжуд бўлиб², уларнинг фаолияти штаблар томонидан мувофиқлаштириб борилади³.

Россия Федерациясининг айрим ҳудудларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида милицияга ёрдам берувчи, фаолияти ҳуқуқий таъминланган⁴ яна бир ўзига хос тузилма казаклар жамиятидир. Ҳозирги кунда мамлакатнинг биргина Краснодар ўлкасида 300 га яқин казаклар жамиятига бирлашган 5000 дан ортиқ кўнгиллилар жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жинойтчиликка қарши курашда милицияга ёрдам кўрсатмоқда⁵.

Япония полицияси ҳам жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда жамоатчилик билан ҳамкорлик қилиш борасида кенг кўламли тажрибага эга бўлиб⁶, реабилитацион ҳимоя марказлари, «Акалар ва опалар», «Ота-оналар ва ўқитувчилар» жамиятлари ҳамда ўзини ўзи бошқариш (мавзелар) кўмиталари бу борадаги ҳамкорликнинг тенг ҳуқуқли субъектларидир.

Мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда ўз ўрнига эга бўлган «Акалар

¹ Қаранг: *Попова Н.Ф., Овчинникова Л.И.* К вопросу привлечения общественных объединений к охране общественного порядка // Российский следователь. – 2006. – № 10. – С. 39–40.

² Криминология / Под ред. проф. Н.Ф. Кузнецовой, проф. В.В. Лунеева. – М., 2004. – С. 218.

³ Қаранг: Постановление Правительства Москвы от 30 декабря 2003 года «Об утверждении Инструкции о Штабе народных дружинников города Москвы» // Вестник Мэра и Правительства Москвы. – 2002. – № 31.

⁴ Қаранг: Положение о привлечении казачьих обществ к государственной и иной службе, утв. Указом Президента РФ от 16 апреля 1996 г. № 563 // Собрание законодательств РФ. 1996. № 17. – С. 1954.

⁵ Қаранг: *Нечевин Д.К., Сапрунов А.Г.* Организация обеспечения правопорядка казачьими обществами и пути их совершенствования // Уголовная политика и проблемы безопасности государства. – М., 1998. – С. 212.

⁶ Қаранг: *Nishimura K.* On the Nagasaki Beat: the Art of Community Policing (Look Japan. 1997, March).

ва опалар» жамияти илк марта 1947 йилда Киото шаҳрида талабалар томонидан ташкил этилган. Ҳозирги кунда мазкур жамият Япониянинг барча ҳудудидаги юзлаб маҳаллий жамоаларда минглаб аъзолар иштирокида ҳаракат қилади¹.

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда полицияга кўмаклашувчи «Ота-оналар ва ўқитувчилар» жамияти бугунги кунда ҳар бир мактабда ўз ўрнига эга. Ушбу жамиятнинг бутун давлат миқёсидаги фаолияти Ота-оналар ва ўқитувчилар жамияти умумяпон кенгаши томонидан мувофиқлаштириб борилади.

Ўзини ўзи бошқариш кўмиталари Японияда Иккинчи жаҳон уруши йилларида, ИИВнинг кўрсатмасига мувофиқ, ички ишлар органларининг функцияларини бажарувчи қуйи бўғин сифатида фаолият кўрсатиб келган бўлса, 1952 йилга келиб улар қонунга мувофиқ ўз вазифаларини бажарадиган бўлдилар. Полициянинг ушбу кўмиталар билан ўзаро ҳамкорлиги ҳам катта аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, Японияда бутун мамлакат ҳудуди бўйича тарқалган ва таркибига фуқароларнинг ихтиёрий уюшмалари аъзоларини жамлаган «Полиция билан алоқа пунктлари» фаолият олиб боради. Ҳар бири 50 га яқин оилани қамраб олган бундай пунктлар сони Японияда тахминан 700 000 та².

АҚШда аҳоли турар жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда полициянинг жамоатчилик билан ҳамкорлиги юзасидан кейинги 12–15 йилда «компьюнти полисинг», яъни «жамоа полиция хизмати» принципига асосланган концепция фаол амал қилмоқда. Унга кўра полициянинг асосий эътибори микротуманларга қаратилиб, бир томондан фуқароларнинг турмуш тарзини ўзгартиришга ёрдам берилади, иккинчи томондан ҳар бир фуқаронинг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олишга ҳиссасини қўшиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилади. Натижада полиция билан фуқаролар ўртасидаги ўзаро ишончга асосланган муносабатлар самара бера бошлади. Жамоатчи-

¹ Қаранг: *Уэда К.* Преступность и криминология в современной Японии / Пер. с яп. – М., 1989. – С. 161.

² Қаранг: *Бухаров Д. З.* Жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик иштироки: жаҳон тажрибаси // Миллий кадриятлар ва шахс ижтимоий ҳимоясининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т., 2007. – Б. 259.

лик, хусусан фуқароларнинг ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги фаол иштирокини рағбатлантиришда полиция томонидан бежирим, эътиборни тортувчи кийимлар бериш, меҳнатларини турли йўллар билан тақдирлаш, бепул кечалар уюштириш, пул мукофоти бериш, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш, давлатнинг олий мансабдор шахслари томонидан ташаккур эълон қилиш каби турли усуллар қўлланилади¹.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда полициянинг жамоатчилик билан мунтазам ҳамкорлигини таъминлаш орқали, *биринчидан*, маҳаллий даражада жамоат тартиби ва хавфсизлигини самарали таъминлашга, *иккинчидан*, ҳудудда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш учун нафақат полиция, балки жамоатчиликнинг ҳам масъул эканлигини тушуниб етишга эришилади.

Аҳоли турар жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашнинг шакл ва усуллари. Хорижий давлатлар ички ишлар органлари жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлашда бир қатор усуллардан фойдаланадилар. *Патруллик қилиш* бу борадаги асосий усуллардан бири бўлиб, ички ишлар органлари ходимининг айрим маҳаллий яшовчилар билан тўсатдан учрашиб қолиши эмас, балки маъмурий ҳудуддаги жамиятнинг барча бўғинлари билан фаол алоқада бўлиш, намунали ўзаро муносабат ўрнатиш ва маслаҳатлар бериш ҳақида амалий келишувлар тузишга қаратилган режали тадбирларни назарда тутади². Кўплаб давлатлар ички ишлар органлари шахсий таркибининг 60–75 фоизини патруллик хизматлари ташкил этиши ҳам фаолиятнинг ушбу турига бўлган катта эътибордан далолатдир.

Патруллик қилиш ҳудуд ва жинойтчиликнинг интенсивлиги даражасини инобатга олган ҳолда ошкора ва ноошкора йўллар билан ҳуқуқ-тартиботга қарши тайёрланаётган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг олдини олишга қаратилган тезкор, мақсадга йўналтирилган фаолият бўлиб, жинойтчиға қарши жамият ҳимоясининг биринчи чизиғидир³. Патруллик нарядлари хизмат фаолияти мобайнида ҳуқуқбузарликларнинг олдини оладилар, йўл ҳаракатини тар-

¹ Қаранг: *Иншаков С.М.* Зарубежная криминология. – М., 1997. – С. 47.

² Қаранг: *Работа полиции в обществе: Пособие для преподавателей / Ин-т. «Открытое общество».* – М. 2001. – С. 48.

³ Қаранг: *Губанов А. В.* Полиция зарубежных стран. Организационно-правовые основы, стратегия и тактика деятельности. – М., 1999. – С. 95.

тибга соладилар ва назорат қиладилар, яширинган жиноятчиларни қидириб топишда иштирок этадилар, бошқа тармоқ хизматлари учун керакли маълумотларни тўплайдилар ҳамда турли фавқулодда вазиятларда фуқароларга ёрдам кўрсатадилар.

Ривожланган мамлакатлар полициясининг патрулик хизматларига замонавий техник таъминот хос бўлиб, бу нарядларнинг юқори сафарбарлигига эришиш имконини беради. Масалан, Вашингтонда жиноят ҳақида хабар тушгач, патруль бўлинмаси диспетчерлик пунктдан ўртача 2,5–3 минут ичида воқеа жойига етиб боришга қодир. Патруль нарядлари ахборот таъминотига ҳам катта эътибор қаратилган. Улар алоқа воситалари ва компьютер техникаси билан яхши қуроллангани боис керакли маълумотни тезда ахборот марказининг маълумотлар базасидан олиш имконияти мавжуд.

Кейинги йилларда ривожланган мамлакатларда полициянинг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини энгиллаштириш мақсадида катта кўчалар ва посёлкаларда видеокузатув ускуналари ўрнатилди. ХХI асрнинг бошларида бу борада Буюк Британияда катта эътибор Лондон шаҳрига қаратилган эди. 1999 йилда Қироллик ИИВ пойтахтнинг биргина кўча жиноятчилиги нисбатан кўп содир этиладиган шарқий марказий туманига 144 та кузатув камераси ўрнатган¹. Мазкур камераларда олинган ҳуқуқбузарлик ёки жиноятга оид суратлар орқали иш олиб бориш полицияга катта қулайлик яратади.

Хорижий давлатларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда кенг қўлланиладиган усуллардан яна бири – «*муаммони ҳал қилиш*» бўлиб, у полиция томонидан қўлланиладиган замонавий усулларни ўз ичига олган янги иш усули ҳисобланади². Эътибор берсак, полициянинг анъанавий иш усули ҳуқуқбузар ёки жиноятчининг шахсини аниқлаш ва уларни жазолашга қаратилган. Бироқ, ишга бундай ёндашиш ҳамма вақт ҳам кутилган натижани беравермайди. Муаммони ҳал қилишда полиция жамиятда ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этилишига олиб келадиган муаммо ва сабабларни ўрганади ҳамда уларни бартараф қилиш чоралари кўради. Қолаверса, мазкур усул жиноятга мойил шахсларнинг жиноий йўлни танлашига сабаб

¹ Қаранг: Губанов А. В. Полиция зарубежных стран. Организационно-правовые основы, стратегия и тактика деятельности. – М., 1999. – С. 96.

² Қаранг: Работа полиции в обществе: Пособие для преподавателей/ Ин-т. «Открытое общества». – М. 2001. – С. 12.

бўладиган, ҳаётидаги мавжуд муаммоларини аниқлаш ҳамда бартараф этишни назарда тутади¹ ва кенг жамоатчилик ёрдамига таянади.

Бугунги кунда муаммони ҳал қилиш усулининг жамиятдаги ўрнини мунтазам равишда ўрганиб бориш мақсадида Европа давлатларининг кўпчилигида «САРА», «Муаммони таҳлил қилиш модули», «Муаммони ҳал қилиш учбурчаги» деб номланган турли моделлардан фойдаланилади. Бу моделлар муаммони ҳал қилишнинг турли босқичларида уни самарали амалга оширишга шароит яратади ҳамда мазкур усулнинг фуқароларга берган нафини баҳолаш имконини беради².

Юқоридаги илмий таҳлиллар ички ишлар органларини бошқаришнинг полиция тизими қарор топган мамлакатларда ҳам маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда таянч пунктлари ўзига хос ўринга эга эканлигини яққол кўрсатди. Республикамиз ИИВ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларда бир қатор олимлар ва мутахассислар хорижий давлатларнинг илғор тажрибалардан келиб чиқиб, мамлакатимиз ички ишлар органларининг тузилишини қайта кўриб чиқиш ва полиция тизимига ўтиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлашади³. Хорижий давлатлар маъмурий ҳудудларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тажрибасини илмий таҳлил қилиб, шундай хулосага келиш мумкинки, мамлакатимиз ички ишлар органлари тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар истиқболда Ўзбекистонда полиция тизимининг жорий этилишига олиб келганда ҳам ушбу тизимда таянч пунктлари жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг марказий субъекти бўлиб қолаверади.

¹ *Мухторов Ж. С.* Муаммони ҳал этиш – жиноятларнинг олдини олишдаги янги усул // Ҳозирги замон ҳуқуқшунослик илмини эгаллаш йўлида: Илмий мақолалар тўплами. – Т., 2004. – Б. 204–208.

² Қаранг: Наилучшая практика построения партнерства между полицией и обществом / Составлено старшим советником Генерального секретаря ОБСЕ по вопросам полицейской деятельности. – Вена, 2008. – С. 29–30.

³ Қаранг: *Таджиханов У.* Ҳуқуқий ислоҳотлар: муаммолар ва истиқболлар // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2000. – № 1. – Б. 17; *Милиция қандай ислоҳотга мухтож* // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2004. – № 1. – Б. 9.

М У Н Д А Р И Ж А

К И Р И Ш	3
1-§. Ўзбекистонда аҳоли турар жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимларининг тарихи	6
2-§. Милиция таянч пунктлари – Ўзбекистонда аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш tizimining markaziy subyekti	18
3-§. Маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича хориж тажрибаси	46

Музаффар Зиёдуллаевич ЗИЁДУЛЛАЕВ,
юримик фанлар номзоди, доцент

АҲОЛИ ТУРАР ЖОЙЛАРИДА
ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ТИЗИМЛАРИ:
ТАРИХИ, БУГУНИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Муҳаррир Б. А. Яров
Техник муҳаррир Д. Р. Джалилов

Босишга рухсат этилди 18.12.2015. Нашриёт-ҳисоб табағи 3,5
Адади 50 нусха. Буюртма № Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68